O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ЎзХДП бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган.

Бизнинг номзодларга овоз берсангиз, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш ишларига ҳисса қўшган бўласиз!

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 10-dekabr • Payshanba • 146-47 (30.107) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, XXI аср — интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида ва 2010 йил Ўзбекистон Республикасида «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) бир ой муддатда вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «Баркамол авлод йили» Дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. Дастурда ҳар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошқа тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир қаторда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича энг муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилсин:

болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

энг аввало, соғлом наслни, «Соғлом она — соғлом бола» дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактик соғлиқни сақлашни устувор даражада ривожлантириш, тиббиёт хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иштиёқини шакллантириш;

ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб этилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогика технологияларини, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакат мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларида, олий таълим муассасаларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш;

нафақат мактабларда, лицейларда, коллеж ва олий таълим муассасаларида, балки ҳар бир оиланинг ҳаётида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, Интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш;

ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спорти соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқичма-босқич кучайтириш, янги спорт комплекслари, стадионлар, иншоотлар қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш;

таркибий (техник ҳамда технологик) ўзгартиришларнинг энг муҳим йўналиши, аҳоли даромадлари ва мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш асоси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, айниқса, қишлоқ жойларда ёшларни, аввалambor касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;

илм-фанни янада ривожлантириш, талантли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш учун шароит яратиш, улар томонидан ўзларининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш, жумладан, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш махсус жамғармасини ташкил этиш, Фанлар академияси ва мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида илғор, истиқболли илмий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш учун янги лабораториялар яратиш, хорижий илмий марказлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёш оилаларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлган, фарзандлар шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустаҳкам оилани қуриш учун зарур шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан «оммавий маданият»нинг турли иллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 9 декабрь

ВАТАННИ УЛУҒЛАР НАВҚИРОН ЁШЛАР

Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазма залида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг «Ватанни улуғлар навқирон ёшлар» мавзуидаги бадиий кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмада ўндан зиёд ёш ижодкорнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, бадиий кулолчилик, хаттотлик, миниатюра, компьютер графикаси ва бадиий фото, ёғоч ўймакорлиги сингари йўналишлардаги уч юздан зиёд ижодий иши намойиш этилмоқда.

— Кўргазмада ёғоч ўймакорлиги асосида яратилган зеб-зийнат қутиси, турли уй-рўзғор буюмлари каби олтмишга яқин ишим билан қатнашяпман, — дейди ёш уста Камолиддин Раҳимов. — Ёғоч ўймакорлиғига болалигимдан қизиқаман.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири.



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Муносабат

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ, МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган байрам тантанасида Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги — 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилди. Бу хушхабар болажон халқимиз томонидан зўр қувонч билан кутиб олинди.



Мунисхон ЗАЙНИДДИНОВА,
Чуст туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби:

— Янги йилимизни «Баркамол авлод йили» деб номланиши бутун мамлакатимиз аҳлини, айниқса, фаолияти ёш авлод таълим-тарбияси билан бевосита боғлиқ бўлган биз педагогларни бағоят хурсанд қилди. 1500 нафар ўқувчи таҳсил олаётган мактабимизда 80 нафар ўқитувчи-педагог меҳнат қилади.

Ўтган йиллар давомида мактабимиз умуммиллий дастур доирасида бутунлай қайтадан қад ростлади. Айниқса, замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган махсус фан хонасига Япония гранти асосида яна 15 та компьютер келтирилгани ўқитиш сифатини оширди.

Шахсан ўзим ўзбек тили ва адабиёти фанидан эксперимент дарсликлар асосида машғулотлар олиб бораяпман.

Мактабимизда физика фанини ўқитиш электрон дарсликлар асосида ташкил этилаётгани ёки иқтисодий билим асослари бўйича республика миқёсида анжуман ўтказишга тайёргарлик кўраётганимиз, «Тежамкор ўқувчилар клуби» орқали коммунал тўловлар бўйича самарали усулларни синовдан муваффақиятли ўтказа олганлигимиз мактабга, муаллимга бўлган халқимиз ишончини мустаҳкамлади. Натижада ўқувчилар орқали оилалардаги иқтисодий барқарорликка ижобий таъсир ўтказа олдик. Бу изланишлар бутун бир жамият ҳаётида фаол қатнашишимизга имконият туғдиради.

«Баркамол авлод йили» умид қиламанки, янгича интилишларга куч-қувват бағишлайди. Жамият тараққиётида биз педагогларнинг ўрнимизни янада мустаҳкамлайди, масъулиятимизни оширади.



Сурайё МУСЛИМОВА,
Юнусобод туман халқ таълими бўлими услубчиси:

— Мен 30 йил давомида пойтахтимиздаги мактабларда ўқувчиларга рус тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келмоқдаман. Бутун ҳаётини таълим соҳасига бағишлаган бир муаллим сифатида 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганидан бошим осмонга етди.

(Давоми 2-бетда)

ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИ: АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ВАҚТИ

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё бирлашган энергетика тизимидан (МОБЭТ) чиқиш тўғрисидаги қарори сўнгги пайтларда хорижий оммавий ахборот воситаларининг энг «қайноқ» мавзуларидан бирига айланди. Бугунги кунда етакчи телеканаллар, кўп нусхали газеталар, таниқли ахборот сайтлари бу воқеани шарҳлар экан, кўпинча ишончли бўлмаган манбалардан файдаланишаяпти. Бундай мақола ва телекўрсатувларнинг муаллифлари зўр бериб бу қарор гўё сиёсий мақсадларни кўзлаб қабул қилинганини исботлашга уринмоқдалар.

Вазият аслида қандай? Ўзбекистоннинг МОБЭТдан чиқиш ҳақидаги қарори мамлакатнинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятига бирор жиҳати билан алоқадорми? Бу саволга жавоб бериш учун дастлаб Марказий Осиё бирлашган энергетика тизими деб номланган бу тузилма моҳиятига ойдинлик киритиб олиш керак бўлади. У Совет Иттифоқи давридаёқ мазкур «супердавлат»нинг ҳудудий яхлитлигидан келиб чиққан ҳолда тузилган эди.

Бунда Марказий Осиё СССРнинг бир қисми сифатида қаралиб, ўзаро қўшни республикалар чегаралари инобатга олинмаган. Масалан, Тожикистоннинг энерготизими икки қисмдан иборат бўлиб, улар бир-бири билан Ўзбекистон электр тармоқлари орқали бирлашган эди. Сурхондарё вилоятининг айрим ҳудудларига электр энергияси Тожикистонда жойлашган Нурек ГЭСидан етказиб берилса, Тожикистоннинг баъзи районлари Қайроққум, Фарҳод ГЭСлари ва Сирдарё ИЭСи ҳисобидан электр билан таъминланарди. Бундай тизим Иттифоқ тарқаб кетгандан сўнг ҳам ўз фаолиятини давом эттирди. Томонлар ўзаро энергия алмашувини бир-бирларининг харажатларини сальдони нолга тенглаштириш орқали қоплаш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ талаб қилмаслик асосида тузилган йиллик шартномалар бўйича амалга оширишар эди.

Аммо кейинги йилларда вазият ўзгарди. Муштарак энергетика тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш тамойиллари ва иш тартиби бўйича кўрсатмалар Тожикистон энерготизимининг «Барки Точик» ОАЖК диспетчерлик бошқаруви томонидан қўпол равишда бузилиши тез-тез такрорлана бошлади. «Ўзбекэнерго» ДАКнинг бир неча бор огоҳлантиришига қарамасдан Тожикистон энергетиклари электр қуввати ва энергияси ўтказиш бўйича давлатлар ўртасида келишилган жадвалнинг мунтазам равишда бузилишига йўл қўйишди. Ўзаро шартномалар бўлмаса-да, Ўзбекистондан рухсатсиз электр энергияси олиб қўйилаверди, бу эса бирлашган тизимда йирик ҳалокатларни келтириб чиқарди.

Масалан, жорий йил августида «Барки Точик» ОАЖК ходимлари ўзбошимчалик билан Нурек ГЭСини тўйинтирди. Натижада «Ғузор» (Ўзбекистон) ва «Регар» (Тожикистон) подстанциялари оралиғидаги Л-507 юқори вольтли электр симларида ток оқимининг узоқ муддат давомида меъёрдан ошиши, шунингдек, электростанциядаги ҳалокатга қарши қурилманинг ишламагани туфайли Толлимаржон ИЭСида авария юз берди. Уни бартараф этиш учун «Ўзбекэнерго» ДАК жуда катта миқдорда маблағ сарфлади.

9 ноябрь куни яна бир фавқулодда ҳолат юзага келди. Техник сабабларга кўра, Тожикистоннинг жанубий қисми ва Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларини электр энергияси билан таъминловчи Нурек ГЭСида «Регар» подстанциясидан «Сурхон» подстанциясига тортилган юқори вольтли магистраль линияга электр энергияси жўнатиш тўхтатиб қўйилди. Оқибатда Л-Наибабат-1 юқори вольтли линияси орқали Афғонистон Ислом Республикасига электр энергияси бериш ҳам тўхтаб қолди. Кейинчалик аниқланишича, ҳалокатга Нурек ГЭСида гидротурбиналар айланиш частотаси ҳар сонияда 41,9 Гц гача пасайиб кетгани сабаб бўлган экан. Зеро, белгиланган меъёрга кўра, бу кўрсаткич 45 Гц дан кам бўлмаслиги керак. Икки томонлама музокаралар олиб борилганидан сўнг «Ўзбекэнерго» ДАК ва «Бари Точик» ОАЖК раҳбарияти Нурек ГЭСи фаолиятини изга солиш мақсадида «Ғузор» подстанциясидан «Регар» подстанциясига кучланиш жўнатди.

Оқибатда Толлимаржон ИЭСида электрон ҳимоянинг таъсирчанлиги ва юқори частотали токнинг пайдо бўлгани боис махсус автоматик қурилма энерготизимнинг Самарқанд ва Бухоро қисмида кучланишни ўчириб қўйди.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП номзодларининг сайловчилар билан учрашувлари



Фарғона вилоятининг Бувайда қишлоғида бўлиб ўтган ЎзХДП номзодларининг сайловчилар билан учрашувида иштирокчилардан бири: «Бугунги мулоқот келажак билан юзма-юз бўлишдир», деди. Дарҳақиқат, унда сайловчилар ҳам, депутатликка номзодлар ҳам яқин беш йилда ўзлари кутаётган ўзгаришлар, бажармоқчи бўлган ишлари ҳақида сўз юритдилар.



КЕЛАЖАК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Бувайда туманидаги 254-сайлов участкасида Бувайда қишлоғининг 3505 нафар сайловчиси рўйхатга олинган. 103-Бувайда сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Ҳабибахон Тошматова ва халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига 25-Бувайда сайлов округи бўйича номзод Маърифжон Холдоровлар билан учрашувга келганлар ҳудуддаги иқтисодиёт коллежининг катта залига сиғмай қолди.

— Бу гал сайланадиган депутатларнинг ҳуқуқлари кенгайди, — дейди сайловчилардан бири. — Хўш, уларга ишонч билдирсак, бу ҳуқуқлардан қандай фойдаланмоқчилар. Умуман, халқ фаровонлиги йўлида муносиб депутат бўла оладиларми, шуни билгани келдик.

Учрашув самимий, очиқ-ошкора бошланди.

— Мен олдингизга бўлажак сайловда албатта менга овоз беринг, деб келмадим, — деди депутатликка номзод Ҳабибахон Тошматова. — Бугун бир ўринга тўртта партиядан номзод кўрсатилган. Сиз, азиз қишлоқдошларим, ҳар бир партиянинг ғоялари, номзодларнинг мақсад ва салоҳияти билан чуқур танишиб, мулоҳаза қилиб, сўнгра сизга, сизнинг орзу-умидларингизга яқинини танлаб, овоз беринг. Лекин ишончим комилки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғоялари сизга албатта маъқул бўлади. Биз ҳар бир киши ва ҳамма фаровон яшашини истаймиз. Мана шу ғояни амалга ошириш учун ўзимизга хос дастур ва йўл танлаганмиз.

Депутатликка номзод партия дастури, агар сайланса, унинг асосида амалга оширмоқчи бўлган ишлари ҳақида содда, равон, ҳаётий мисоллар билан гапириб берди.

— Бувайда қишлоғида тикувчилик корхонаси бор эди. Кимдир уни хусусийлаштириб олди. Аммо кўп ўтмай 250 ишчи ўринли корхона эшигига қулф осилди. Мана бир неча йилдирки, у на одамларга, на туман бюджетига наф келтиради. Бизга хусусийлашган корхоналарда ишчи ўринлари қисқармаслигини меъёрлаштирувчи қонун керак. Депутат бўлиб сайлансам, қонун ижодкорлиги ваколатимдан фойдаланиб, тегишли қонун лойиҳасини тайёрлаб, қонунчилик палатасига киритаман ва қабул қилинишига астойдил ҳаракат қиламан.

— Тўғри-да, шундай бўлсин. Бувайданинг ўзида бир эмас, учта хусусийлаштирилган енгил саноат корхонасини сотиб олишган, лекин тадбиркорлар улар эшигига қулф осиб кетганига неча йиллар бўлди. Натижада бошқа иш топиб, янги касб ўргангунча, қанча сарсон бўлдик, — дейди тўсатдан номзод сўзини



бўлиб сайловчилардан бири.

Залда йиғилганлар қарсак чалиб юбордилар. Олдинги қаторда ўтирган отахон ўрнидан турди:

— Илгари депутатга кўчамизни асфальт қилиб бер, газ, сув торт, деб топшириқ берардик. Агар у сўзида турса, нари борса, бир маҳалла наф кўрарди. Агар Ҳабибахон айтаётган қонун қабул қилинса, унда бутун халқ наф кўраркан-да.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлашни энг муҳим вазифа деб, билади. Бизнинг хорижий инвестиция олиб келиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, касаначилик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш ҳақида ҳам таклифларимиз бор.

— Кам таъминланганларни ҳукумат қўллаб-қувватлаяпти, раҳмат бунинг учун, лекин уларга уй-жой ҳам керак. Бу масалада қандай фикрдасиз, — савол берди ўзини Асқарали Имомов деб таништирган сайловчи.

— Менга ишонч билдирсангиз, аввало кўп болали оилалар, ногиронлар, кам таъминланган, пенсионерлар ва касби йўқ кишиларнинг муаммоларини қонун йўли билан ҳал этиш масаласи билан шуғулланаман. Менимча, мамлакатда ипотека асосида оммавий уй-жой қуришни янада кенгайтириш, уни уй-жойга муҳтож аҳолининг кам таъминланган қатламига ижарага беришни ташкил этиш лозим. Шунингдек, энг муҳтожлар эҳтиёжини қондириш учун ижтимоий уй-жой фондини яратиш керак.

Маъруфжон Холдоров ҳам сайловолди дастурини баён қилгач, сайловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

Учрашув узоқ давом этди. Назаримда ҳар икки томоннинг ҳам кўнгли тўлди, ундан.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси қилаётган ишлардан илгари ҳам анча-мунча хабардор эдим, — дейди меҳнат фахрийси Султонали Турсунов учрашувдан сўнг. — Лекин бугун бафуржа суҳбатлашдик. Депутатликка номзод қандай одам, у ҳаётий муаммоларни қанчалар тушунади, ечимини қандай йўллар билан ҳал қилмоқчи, билиб олдик. Энг муҳими, ХДПнинг мақсади, Дастури менга ёқди. Бугун уйга боргач, фарзандларим, набираларим — барчасига учрашув тафсилотини айтиб бераман. Сайловда кимни қўллаш ҳақида улар ҳам ўйлаб кўрсин.

— Номзодларнинг ёш оилаларни иш, уй-жой билан таъминлаш борасидаги таклиф ва фикрлари маъқул бўлди, — дейди Дилфузахон Каримова. — Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, халқ депутатлари Кенгашларида бизнинг номимиздан иш юритадиганлар мана шундай инсонлар бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

— Сайловчилардаги бу қадар фаолликни кўриб қувондим, — дейди депутатликка номзод Ҳабибахон Тошматова. — Уларнинг бўлажак сайлов ва сайланажак депутатдан умидлари катта. Демак, биз ўз дастурларимизни халқ билдираётган таклифлар, мулоҳазалар асосида янада такомиллаштиришимиз зарур.

Фарғонада ЎзХДПдан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ана шундай қизиқарли ва мазмунли ўтмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи барча округларда партиямиздан кўрсатилган номзодлар сайловчилар билан дилдан суҳбатлашмоқдалар.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Суратлар муаллифи: Муқимжон ҚОДИРОВ

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ, МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ

Бугун мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси учун ҳаммамиз тенг жавобгармиз. Лекин бу борада ҳеч қайси соҳа вакили ўқитувчи сингари масъул бўлмаса керак.

Президентимиз таъкидлаганларидек, эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифа турибди.

Ўқитувчилик фаолиятим давомида таълим тизимига, ўғил-қизларимизга бу даражада эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмаган эди. Янги йилимизни Баркамол авлод йили деб номланиши замирида Мамлакатимиз раҳбарининг **фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак** деган буюк орзулари мужассамлашган.

Шу ўринда яна бир гап, баркамол авлод таълим-тарбиясида оила, мактаб, маҳалланинг ўрни муҳимдир. Энг аввало, биз педагоглар, ота-оналар болаларимизни илмли бўлиши, соғлом ўсиши учун ҳаракат қилишимиз керак. Ушбу буюк мақсад йўлида барчамиз Юртбошимиз сингари фидойи бўлсаккина

(Давоми. Боши 1-бетда)

кўзлаган ниятларимизга албатта эришамиз.



Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

— Сайловлар жараёни бугун энг қизғин паллага кирди. Буни кеча Конституция кунида Президентимиз ҳам алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловга киришар экан, Сайловолди сиёсий позициясида ёшлар масалаларида ўзига хос ғояларни ўртага ташламоқда.

Сайлов аслида бир имтиҳон. Бугун сайловчилар ҳам, депутатликка номзодлар ҳам жиддий синов арафасида турибди. Бу имтиҳондан қандай ўтиш, аввало, ҳар биримизнинг фуқаро сифатида фаоллигимизга боғлиқ. Қолаверса, бу синовда сайловчиларга танлаш ҳуқуқи берилган.

Шу ўринда Президентимиз маърузасида мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди. Сайлов қонунчилиги халқаро нормаларга, халқимизнинг миллий манфаатларига мос равишда такомиллаштирилгани эътироф этилди. Булар барчаси, аввалambор, сайловларни очиқлик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтказишга қаратилгани алоҳида қайд қилинди.

Умуман, бу жараён мамлакатимиз сиёсий партиялари зиммасига улкан масъулият юклайди. Биз сайловда фаол иштирок этиш орқали нафақат сайловчилар овозини олиш учун курашишимиз, балки озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, мамлакатни демократлаштириш ва давлат бошқарувини янгилашда сиёсий партияларнинг иштироки кучайиб бораётганини яна бир бор амалда намоён этамиз. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу йўлни биз кимгадир кўз-кўз қилиш учун танлаганимиз йўқ. Бу бизнинг миллий манфаатларимизга, асрлар давомида интилиб келган орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлидир.

ЕХҲТ/ДИИҲБ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросидан (ДИИҲБ) сайловларни баҳолаш бўйича 13 кишидан иборат миссияни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Марказий сайлов комиссиясида ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси халқаро кузатувчиларига мандатлар топширилиши муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Унда томонлар фикр алмашиш ва ўзаро ҳамкорлик масалаларини мувофиқлаштириш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов ДИИҲБ вакилларига Марказий сайлов комиссияси амалиётида биринчи марта жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция ҳақида сўзлаб берди ҳамда ушбу Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Учрашув чоғида ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси экспертлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга, жумладан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг сайловда иштирокининг ҳуқуқий асослари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ушбу ҳаракатдан депутатларни сайлаш тартиби тўғрисидаги саволларга жавоб олдилар.

— Биз Ўзбекистон томонининг ҳамкорликка тайёр эканига гувоҳи бўлдик ва биргаликда самарали ишлай оламиз деб ўйлайман, — деди ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси раҳбари Иоланда Брунетти. — Миссиямиз Ўзбекистонга сайловларни ўтказишга кўмаклашиш мақсадида ташриф буюрди. Мен мамлакатингизда сайлов қонунчилигининг ривожланишини изчил кузатиб келмоқдаман ва ҳозирги кунда бу борада кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берганига ишонч ҳосил қилдим.

Миссия раҳбарининг таъкидлашича, ДИИҲБ сайловларга тайёргарлик ишлари билан танишиш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги бир қанча сайлов участкаларини бориб кўришни режалаштирмоқда.

Миссия экспертлари Ўзбекистонда 31 декабргача бўлади. Миссия ўз фаолияти давомида Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш, шунингдек, ДИИҲБнинг аввалги тавсияларининг амалга оширилишини баҳолайди ҳамда баҳолаш якунлари бўйича ҳисобот тайёрлайди.

Экспертлар давлат органлари вакиллари, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, суд органлари, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам учрашувлар ўтказади.

(ЎзА)

ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИ:
АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ВАҚТИ

Бироқ бу ҳам сўнггиси эмас. Шу йилнинг 17 ноябрида гўёки «Регар» подстанциясидаги ҳалокат туфайли Тожикистон томонидан Сурхондарё вилоятига иккита ҳар бири 220 кВт бўлган линиядан электр энергияси бериш тўхтатилди. Оқибатда бу ҳудуд таъминотдан ажралиб қолди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг МОБЭТдан чиқиш ҳақидаги қарори фақат техник сабабларга асосланган бўлиб, у мамлакат энерготизимининг барқарор ва хавфсиз ишлашини таъминлашга қаратилганини яққол исботлаб турибди.

— Юзага келган вазиятда Ўзбекистон МО БЭТ имкониятларига умид қилмасдан, республика ҳудудларини электр билан таъминлашнинг қўшни энерготизимларга боғлиқ бўлмаган яхлит тизимини яратиш лозим деб топди, — дейди «Ўзбекэнерго» ДАК миллий диспетчерлик маркази бошлиғи Эсо Саъдуллаев. — Вазифанинг муҳимлиги инобатга олиниб, Фарғона водийси ва Сурхондарё энерготугунини мустақил равишда электр энергияси билан таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилди. Янги ишга туширилган электр тақсимлаш ускунаси республиканинг бошқа ҳудудларини ҳам бевосита Ўзбекистон энерготизимидан ишончли равишда таъминлаш ва қўшни энерготизимлардаги ҳалокатлар чоғида узилиш ҳолатларининг олдини олиш имконини берди. Шу билан бирга бундан кейин қўшни энерготизимлар билан бўладиган ўзаро муносабатларни халқаро амалиётда қўлланилаётгани каби тижорат асосида йўлга қўйиш таклиф этилди. Унда мазкур масаланинг барча техник ва тижорат жиҳатлари ҳал этилган энерготизимлар билан параллел ишлашни қайтадан тиклаш кўзда тутилганди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни таъкидлаш жоизки, эришилган келишувга мувофиқ, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон энерготизимларининг параллел ишлаши тўхтагани йўқ. Режим беқарорлигининг асосий манбаи бўлган Тожикистон энерготизими бугунги кунда алоҳида ишламоқда. Айни пайтда Тожикистоннинг республика энерготизими билан бевосита боғланмаган ҳудудларини электр энергияси билан таъминлаш тўхтатиб қўйилмаган ва бу иш Ўзбекистон томонидан амалга оширилмоқда.

«Ўзбекэнерго» ДАК Душанбени мазкур ҳудудларни мавжуд электр тармоқлари орқали энергия билан таъминлашни давом эттиришга тайёр эканлигини расмий равишда хабардор қилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон энергетиклари Тожикистон томони билан иккала мамлакат энерготизимларининг параллел фаолият юритишини қайтадан тиклаш шартларини ишлаб чиқиш бўйича музокаралар олиб боришга ҳам тайёр.

Жамолиддин ТЎХТАШЕВ,
Region.uz



УЯЛИ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ

Бухоро вилоятининг энг чекка туманларидан бири — Пешкуда аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Ўзбектелеком мобилтел» филиали алоқа станцияси ишга туширилди.

— Бу, — дейди туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Ҳасан Ҳамроев. — Қишлоқ аҳолисига жорий йилда уяли алоқа хизмати кўрсатишни йўлга қўйишдаги ҳаракатимизнинг самарасидир. Энди алоқа хизматида узилишлар бўлмайди.

Даврон БАҲРОНОВ

10 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

АСРИЙ ОРЗУЛАРДАН ЯРАЛГАН ҚЎШИҚ

Ишдан уйга қайтарканман, кўчада ўйнаб ўтирган қўшни қизалоқдан сўрадим:

— Зебинисо, энг яхши кўрган қўшиғинг қайси?

У бироз ўйланиб турди-да: — «Серқуёш...» — деди болаларга хос қувноқлик билан.

— Ёддан биласанми?

— Ҳа, биламан.

— Қани, айт-чи?

— Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.
Яшнагай то абад илму фан ижод,
Шуҳратинг порласин, токи бор жаҳон...

Нимагадир юрагим ғалати бўлиб кетди. Нега шундай бўлди? Зебинисодан бошқача жавоб кутганим учунми? Ёки доимо тўғрисини айтадиган, содда қизчанинг қалбидан бу қўшиқ жой олганидан хурсанд бўлганим учунми? Балки онасидан тинглагани алла сингари бу қўшиқ ҳам оҳанрабодек уни ўзига тортган бўлса, не ажаб? Алла гўдакка бу рангин оламни англашни ўргатса, мадҳия она Ватанни танитади, уни ардоқлашга ўргатади.

— Давлат мадҳиясининг кўнгилда қандайдир ҳаяжонли туйғулар ўйғотадиган оҳанги бор, — дейди каратэ-до бўйича жаҳон чемпиони София Каспулатова. — Шоҳсупага чиққанимда байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз мусиқаси янграй бошлади. Шу пайтдаги ҳолатимни эслаганимда, ҳозир ҳам ҳаяжонланаман...

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида шундай сўзлар бор: «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат сувиренитетининг рамзидир».

Ватанимиз истиқлолга эришгач, табиийки, озодлик мадҳияси талаб этилди. Мустақил давлатнинг мадҳиясини яратиш бўйича танлов эълон қилинди. Танловга тақдим этилган шеърий ва мусиқий асарларни холисона баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (ўша пайтда Ўзбекистон парламенти Олий Кенгаш деб аталарди) қошида махсус ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳга Давлат мадҳияси танловини ўтказиш вазифаси юклатилиб, унинг таркибига таниқли мутахассислар киритилди. Мазкур гуруҳ янги уч асарни Олий Кенгаш муҳокамасига тавсия этди. Ушбу асарлардан дастлаб иккитаси юқори баҳоланди. Булар Мутаваккил Бурҳонов мусиқаси, Абдулла Орипов сўзи ҳамда Рустам Абдуллаев мусиқаси ва Мирпўлат Мирзо шеъри эди. Аммо, Мутаваккил Бурҳонов яратган мадҳия мусиқаси ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиб, мазкур жанрнинг барча талабларига жавоб берар эди. Шу жиҳатлари ҳисобга олиниб, атоқли шоир Абдулла Орипов устоз бастакор билан ҳамкорликда мадҳия мусиқасига уйғун янги шеър яратди. Янги мадҳия шу йўсинда бир нечта босқичдан иборат ўзига хос жараённи бошидан кечирди. Бу босқичларнинг ҳар бирида лойиҳа мукаммаллашиб бораверди.

Ҳар куни мадҳиямизнинг улуғвор оҳанги ҳамроҳлигида янги тонгни қарши оламиз. Унинг садоси янграй бошлаганида ўтмишимиз ва эртамиз буюклигини, киндик қонимиз тўкилган тупроқнинг азизлигини ҳис қиламиз. Энг муҳими, буюкликни тараннум қилувчи бу қўшиқ миллатимиз шижоатини, орзу-умидини, келажакка ишончини ўзида ифода этган. Демак, дунё бор экан, ҳаёт абадий экан, Ўзбекистонимиз, мадҳиямиз умрбоқийдир.

❖❖❖

Таниқли композитор, мусиқашунос Мустафо Бафоевнинг фикрича, Давлат мадҳиясида мусиқий меросимиз дурдонаси – Шашмақомнинг бузрук пардаси оҳанги бор.

— Шу жиҳатдан ҳам мадҳия замонага мос, — дейди мусиқашунос. — Яна бир муҳим томони шундаки, Мутаваккил Бурҳонов Шашмақом юрти Бухорода туғилиб ўсди. Абдурауф Фитрат ва Бурҳоновлар хонадонидаги Садриддин Айний, Чўлпон, Боту, Элбек даврасидаги ижодий кечалар Мутаваккил учун катта ҳаёт ва ижод мактаби бўлиб қолди. Шунингдек, жадид амакилари Масҳариддин, Мукаммил ва Муаммир Бурҳоновлар тарбиясини олди. Кейинчалик Самарқандда танбурчи Ота Ғиёс Абдуғани, Ота Жалол Носиров, Домла Ҳалим Ибодовлардан миллий мусиқачилик санъатини ўрганди. 1937 йилда қатағон сиёсати авж олган пайтда Мутаваккил кетмакет отаси, уч нафар амакиси, акаси, опаси ва энг сўнгида Фотима опасининг турмуш ўртоғи шоир Абдурауф Фитратдан айрилди. Бу кўргуликларга инсон боласи қандай чидаши мумкин?! Шунинг учун бўлажак композитор бир умр ўша давр сиёсатидан нафратланиб ўтди. Мусиқаларида асосан Шарқона руҳият, дард-аламни, ҳурлик истагини ифодалашга ҳаракат қилди.

❖❖❖

1955 йилда Мутаваккил Бурҳонов Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси раҳбари бўлди. Шу пайтдан бошлаб уюшма аъзолари учун алоҳида уй қурила бошланди. Айни пайтда Мутаваккил аканинг доимий турар-жойи йўқ эди. Шундай бўлса-да, юқоридан ўзи учун уй сўрашни хаёлига келтирмади.

Одатда ижодхонаси эски диван билан кўрпача, роял, оддий кресло ва кичик бир столдан иборат бўлар эди. Деворда яқинлари ва ижодий жамоасининг сурати билан ёшлигида Фитрат совға қилган танбур ҳамиша осиғлиқ турарди.



Мутаваккил Бурхонов ва унинг жияни санъатшунос Дилбар Рашидова

— Тоғамнинг елкаларига ташвиш эрта тушгани, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп кўрганлари учун дунё бойликларига сира қизиқмасдилар, — дейди Мутаваккил Бурҳоновнинг жияни санъатшунос Дилбар Рашидова. — Шунинг учун яшаш тарзи жуда камтарона эди. Кейинчалик композиторлар уюшмаси томонидан тоғамга дала ҳовли берилади. Бу пайтда композитор Сайфи Жалил ва унинг оиласи шароит тақозоси билан зах уйда яшар эдилар. Натижада композитор аёлининг оёғи оғриб, бетоб бўлиб қолади. Шунда тоғам: «Ёлғиз ўзим катта дачада нима қиламан», деб дала ҳовлини Сайфи Жалилга берадилар.

Яхшилик...

Билсангиз, баъзи одамларнинг қилган яхшилиги ортида бирор таъма, умид ётмайди. Бундай олижаноб хусусият устознинг ҳам табиатига хос эди. Балки Дилбар опа айтгани — ҳаётнинг шафқатсиз зарбалари кейинчалик унинг ўзлигини теранроқ англашига сабаб бўлгандир...

Келинг, яхшиси композиторнинг мусиқий мероси ва ҳаётини эслаб ёзган «Кўнгил хазинаси» асарига мурожаат қилайлик.

«Отам Музаиниддин Бурҳоний — Бухоро мадрасасида мударрис эдилар. Ота томонидан амакиларим: Мазҳариддин, Мукаммил ва Муаммир Бурҳоновлар жадидлар ҳаракатининг раҳбарлари — шоир Абдурауф Фитрат, ёзувчи Садриддин Айний, жамоат ва давлат арбоби Файзулла Хўжаевларнинг сафдошлари эдилар. 1919 йили жадидларнинг тарафдорлари Бухоронинг Регистонида намойишга чиққанлар. Амирнинг буйруғи билан уларни отганлар. Бегуноҳ одамлар ҳалок бўлган. Амакиларим қочишга мажбур бўлишган. Уларнинг ўрнига отамни «жадидлар сафдоши» деб ифво қилишган. Амир: «Аввал болалари унинг кўзи олдида ўлдирилиб, сўнгра ўзи қатл қилинсин», деб фармон берган. Буни эшитган отам бирданига саросимага тушиб, ётиб қолганлар. Онамнинг қариндоши — Бухоро муфтиси бу воқеага аралашиб, Амирнинг фармонини уй қамоғига алмаштиришга эришган. Бир ойдан сўнг оғир касаллик туфайли отам вафот этганлар. Бизлар — акаларим Мисбоҳ, Минҳож, опаларим Моҳида, Фотима ва мен — кенжа ўғил 3 ёшимда онамизнинг қарамоғида қолдик. 10 ёшимда онам вафот этдилар. Улардан олдин кичик акам Минҳож тўсатдан дунёдан кўз юмган эди. Бу фожиали воқеалар онамизга ва бизга қаттиқ таъсир қилди. Шу йилдан бошлаб бизлар Самарқанд шаҳридаги икки амакимизнинг уйида тарбияландик. Улар бизга меҳр қўйиб, ўқишга имконият туғдиришди. Мен эски ва янги мактабларда ўқидим. 1928 йили ташкил топган Самарқанд давлат мусиқа ва хореография илмий-тадқиқот институтига ўқишга кирдим. Улуғ устозлардан анъанавий мусиқий меросимизни ўзлаштиришда сабоқ олдим. Мендан аввал катта акам Мисбоҳ Москвага ўқишга кетган эди. У 1930 йилда «Тожикистони сурх» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари вазифасида ишлади. 1933 йили эса ҳибсга олиниб, 1937 йили амакиларим Масҳариддин, Мукаммил ва Муаммирлар билан бирга «Халқ душмани» тамғаси билан НКВД жаллодлари томонидан отиб ташландилар. Бу воқеалардан изтиробга тушган Моҳида опам ўз жонига қасд қилди...»

Бора-бора бу изтироблар ёш Мутаваккилнинг иродасини тоблади, қатъиятли инсон сифатида шаклланишига сабаб бўлди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: собиқ иттифоқ мансабдорлари паспорт бериш пайтида миллий исмларни истаганича ёзган, қисқартирган. Оқибатда бўлажак композиторни ҳеч қандай маъноси бўлмаган исм билан, яъни Мутал деб аташ одат бўлди. Аслида у дунёга ўз исми билан келган бўлиб, умри давомида Яратганга таваккал қилди — қийинчиликлардан қочмади, ўз соҳасида муҳаббат зикри билан ижод қилди.

Отаназар Матёқубов Мутаваккил аканинг бир суҳбатини шундай эслайди: «Эй азизим, меҳрибон онам менга билиб Мутаваккил деб исм қўйган. Нажот фақат Худодан». Композитор бу сўзларни она шаҳри Бухорога кўчиб кетиш арафасида айтган эди. Умрининг охирида уни негадир киндик қони томган замин ўзига чорлади. Натижада Бухорода ижодкорнинг энг сўнгги асари «Кўнгил хазинаси» (Бурҳонома) дунёга келди.

Мен мақола ёзиш асноси устознинг жияни Дилбар Рашидова ҳамда у кишининг турмуш ўртоғи ёзувчи, кинорежиссёр Учқун Назар билан бир неча бор суҳбатда бўлдим, уларнинг хотираларини тингладим. Аммо, композиторнинг архиви билан танишиш имконияти бўлмади. Сабаби Мутаваккил ака умрининг охирида архивни Бухородаги уйига олиб кетган эди. Устознинг яқинлари бу хонадонни музейга айлантириш ҳаракатида. Давлат мадҳиясига ҳурмат рамзи сифатида бу орзу амалга ошса, ажаб эмас.

❖❖❖

Мусиқа оламининг биз билган-билмаган қонунларидан бехабар мухлислар учун Мутаваккил Бурҳонов ижоди билан танишиш осон иш эмас. Шунинг учун Ўзбекистон давлат консерваторияси фонотекасига бориб, композитор яратган мусиқаларни тинглашга қарор қилдим. Шунга амин бўлдимки, М.Бурҳонов ижодидан бетакрор, даражаси баланд мусиқалар ўрин олган.

У болалар учун бир қатор қўшиқларга мусиқа ёзди. «Сурайё», «Абу Али ибн Сино» фильмларига куй басталади. «Ишқида», «Исмингни билолмадим», «Табассум қилмадинг» каби романслари хонанда Назира Аҳмедова, Давид Муллоқандов ва Ботир Зокировлар ижросида жаҳон классикасига айланди. Халқимизнинг севимли хонандалари Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Абдухалил Абдуқодировлар ижросида илк бор «Келса ногоҳ», «Ишқ ўти», «Сени соғиндим», «Нега тарк этдинг» каби дурдона қўшиқлар жаранглади. Шунингдек, Шарқ халқлари қўшиқларини, жумладан, қозоқча «Дударай», эронча «Гўле гандум», афғонча «Чашми сиёҳ» каби қўшиқларни миллий мусиқага хос нафислиги ва жозибасини сақлаган ҳолда қайта ишлади. Ёки «Мафтунингман» кинофильмидаги «Мафтун бўлдим», Клара Жалилова ижросидаги «Юлдуз қўшиғи», «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» каби қўшиқларга басталаган куйлар ҳозир ҳам оҳорини йўқотган эмас.

— Мусиқа, куй илоҳий эканини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бундай истеъдод инсонда ё бўлади, ё бўлмайди, — дейди мусиқашунос Отаназар Матёқубов. — Мутаваккил Бурҳоновнинг куй яратиш истеъдодини ҳамма тан олади. XX асрнинг буюк композитори Д.Шостакович Мутаваккил аканинг куйларини мароқ билан тинглаб, тасаннолар айтган. Ҳаяжон билан: «Азизим Мутаваккил, ўзлигингизни йўқотманг», дегани ҳамон ёдимда.

Бу сахий ва дилбар инсон санъатга фидойи эди, шуҳратпарастлик нима, билмасди, яқинлари ёки дўстларининг бошига тушган ҳар бир ташвишни ўзиникидай ҳис қиларди. «Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди», дер эди у кўпинча.

— Мутаваккил ака романс (ижрочи ҳис-туйғуларининг индивидуал тараннум қилиниши), жўрсиз хор (ижрочиларнинг чолғу-асбобларсиз куйлаши) жанрларига асос солди, — дейди композиторнинг шогирди мусиқашунос Мустафо Бафоев. — Унда инсоният олдидаги қарздорлик, масъулият ҳисси кучли эди. Кичкина жанрда ҳам сидқидилдан, тоза куй ёзарди. Ижод қилаётганида ишга бутун борлиғи билан берилиб кетарди, юраги ҳиссиётга, куч-қувватга тўла эди. Одамларга меҳрибон эди. Ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Қизимни турмушга бераётган эдим. Мутаваккил ака отамнинг йўқликларини билдирмай, уч кун тўй ташвишларимга шерик бўлганлар. Устоз Алишер Навоий, Умар Ҳайём, Бедил ғазалларини мутолаа қилишни яхши кўрардилар. Айниқса, шеърни қироат билан ифодали ўқирдилар. Яна қўшиқни ҳам чиройли хиргойи қилардилар. Овозлари қандайдир ҳазин, ёқимли эди.

Алишер Навоий сиймоси Мутаваккил Бурҳоновнинг ижодида алоҳида ўрин тутади. Уни буюк шоир сиймоси деярли бутун ижодий фаолияти давомида катта ижодга илҳомлантириб келган. Дастлаб композитор Алишер Навоий ғазалларига романслар ёзди. «Алишер Навоий» драмасига мусиқа басталади. 1968 йилда эса устоз Абдулла Орипов билан ҳамкорликда шоир таваллудининг 525 йиллигига бағишлаб, «Алишер Навоийга қасида» вокал-симфоник поэма, сўнг улуғ шоир ҳаётига атаб «Алишер Навоий» операсини яратди.

1986 йилда ёзиб тугаллаган, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси томонидан театрга тавсия қилинган опера шоир таваллудининг 550 йиллигига бағишланиб саҳна юзини кўрди. «Операни саҳнага қўйиш арафасида домла ногаҳон яшариб, яшнаб кетган эди», деб эслайди Отаназар Матёқубов.

❖❖❖

Композитор умрининг сўнгги лаҳзалари... Туну кун шифокор ва ҳамширалар жон куйдириб унга парвона бўлишади. Бир куни бош шифокор ҳамда ижодкор Ниҳон мижжа қоқмай Мутаваккил аканинг ёнида ўтирди. Ниҳоят, хонада ҳаммамизнинг дилимиздан жой олган мусиқа — мадҳиямиз янгради. Кардиолог композиторнинг юрак уришини эшитиб, пульси жуда тез ураётгани, тинчлантирадиган укол қилиш кераклигини айтди.

— Йўқ, — дея Ниҳон уни тўхтатди. — Бу хатарли эмас. У ўзининг мусиқасидан таъсирланаяпти.

Биз эса ҳар тонгни ана шу мусиқа билан қарши оламиз...

Дилафрўз ЗАЙНИЕВА

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

ёки сайлов жараёнида фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини қандай ҳимоя қилиши ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига кўра «Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилингандан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин».

Дарҳақиқат, бундай шикоятлар фуқаролик судида кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал қилиниши лозим.

Фуқаро сайловчилар рўйхатидаги камчиликлар ва хатоликлар устидан участка сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Участка сайлов комиссияси фуқаронинг аризасини 24 соат ичида кўриб чиқиши керак. Бунда фуқаро участка сайлов комиссиясининг қароридан норози бўлса, ушбу қарор устидан ёки сайлов комиссиясининг бошқа хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан тегишли сайлов участкаси жойлашган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик-процессуал кодексининг 269-моддасига мувофиқ «Фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли».

Бўйсунув тартибидаги юқори орган ва мансабдор шахслар шикоятни ўз вақтида кўриб чиқиши шарт. Агар фуқаронинг шикоятига рад жавоб берилса ёки у шикоят берган кундан эътиборан ўз вақтида жавоб олмаса, шикоят билан судга мурожаат қилиши лозим.

Шу ўринда бир савол туғилади: сайлов фаолияти билан боғлиқ норозилик юзасидан судга шикоят қай тартибда берилади?

Фуқаролик-процессуал кодекси 270-моддасининг мазмунига кўра, фуқарога ўзининг сайловга оид ҳуқуқлари бузилгани маълум бўлган кундан эътиборан у уч ойлик муддат ичида судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Шунингдек, фуқаро юқори турувчи сайлов комиссиясидан шикоятни қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида ёзма маълумот олган кундан эътиборан бир ой ёки фуқаро ўзининг шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ўтгандан кейин туманлараро судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.


Фуқаролик-процессуал кодексининг 272-моддасига мувофиқ, «Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши лозим. Агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим».

Шикоят суд томонидан аризачи ва тегишли сайлов комиссияси вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида таъкидланишича, «Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак».

Сайлов ҳуқуқи муҳим сиёсий ҳуқуқ ҳисобланади. Яратилган қонунчилик базаси фуқаронинг сайлов ва сайланиш ҳуқуқини тўлақонли ва ҳар томонлама ҳимоя қилади.

Музаффар АЛЛАЯРОВ,
Тошкент давлат юридик институти талабаси.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун шодиёналари Сурхондарё вилоятида ҳам кўтаринки кайфиятда тантана қилинди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровонлик Конституция тимсоли эканлиги таъкидланди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида воҳада таълим, фан, маданият соҳаларида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бетакрор қурилиш ҳамда бунёдкорликлар қишлоқ ва овуллар чиройини ўзгартирмоқда. Халқнинг турмуши фаровон, дастурхонлар тўкин-сочин.

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Вилоят маркази Термиз шаҳрида бўлиб ўтган тантаналарда соҳа фидойилари, илғорлар жамулжам бўлишди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармонлари билан бир гуруҳ сурхондарёликлар ҳам Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари билан мукофотланган эди. Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллиги шодиёналарида ана шу мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

— Эллик уч йилдан буён ёшларга таълим-тарбия бериб келаяпман, — дейди **Денов туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори, ЎзХДП аъзоси Хосият Қораева.** — Мустақиллик йилларида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати муносиб баҳоланаётир. Ойлик маошларимиз бир неча марта ошгани, қўшимча имтиёзлар яратилаётгани ҳам бунинг ёрқин исботидир. Муҳтарам Юртбошимизнинг эътиборлари боис, 2001 йилда «Дўстлик» ордени билан мукофотланган бўлсам, бу йил «Эл-юрт ҳурмати» орденига мушараф бўлдим. Бу менга янада улкан масъулият юклайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ШАВКАТ ХАИТОВ

(21-Бухоро сайлов округи)



1968 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институтини, Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Мутахассислиги — инженер-технолог, иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Бухоро шаҳар Тўқимачилик тумани молия бўлимида бошлаган. 1997-2001 йилларда Бухоро вилоят молия бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари, молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси бўлган. 2002-2004 йилларда вилоят молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган. 2009 йилдан «Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банки бошқаруви раисининг маслаҳатчиси.

Ўзи ишлаган жамоаларда ҳар доим янгиликлар, қулайликлар яратиш, ходимлар меҳнатини енгиллаштириш ва самарадорлигини оширишга интилиши билан эътибор қозонган. Биржа банки тизимида жорий этилган янгиликларга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Мижозлар учун имтиёзлар, қулайликлар яратиш юзасидан қатор таклифлари амалиётга жорий этилди. Депутатликка номзод сифатида ҳам ўз фикрлари, мулоҳазалари бор.

— Халқ таълими тизимини молиялаштириш соҳасини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чораларини излаш, маблағлардан фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур, — дейди у. — Аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш тизимини жаҳонда эътироф этилган меъёрларга мувофиқ бўлишини кафолатлаш ва соғлиқни сақлаш муассасаларини бюджетдан молиялаштириш ўлчамлари устида янада жиддий ўйлаб кўриш зарур. Бюджетдан ажратилаётган маблағлар мақсадли сарфланишини таъминлашга қаратилган механизмларни такомиллаштириш соҳа тараққиётига хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Корхоналар буюртмаси билан мутахассислар тайёрлаш амалиётини кенгайтириш, тўловшартнома шаклидаги ўқиш учун ёшларга қулай бўлган имтиёзли кредитлар ажратиш тартибларини янада соддалаштириш, шартларини енгиллаштириш масалаларини ўртага ташламоқчиман.

Агар, сайловчилар ишончини қозониб, депутат этиб сайлансам, янги иш жойлари яратган иш берувчиларга солиқ тўловларидан имтиёзлар бериш, катта сармоя талаб қилмайдиган косибчилик, халқ ҳунармандлиги ва касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам ташаббус билан чиқмоқчиман.

ШАВКАТ КАРИМОВ

(22-Когон сайлов округи)

1966 йилда Когон шаҳрида туғилган. Тошкент давлат темир йўл транспорти муҳандислари институтини тамомлаган. Мутахассислиги — темир йўл муҳандиси.



Меҳнат фаолиятини 1990 йилда Бухоро графит-гипс комбинатида бошлаган. «Бухороқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятида муҳандис, транспорт цехи бригадири, цех бошлиғи, ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи, бош директор ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1996-1998 йилларда Когон туман меҳнат бўлими бошлиғи, 1998-2004 йилларда «Файзқурилиш материаллари» масъулияти чекланган жамияти раиси вазифаларида фаолият кўрсатган. 2002-2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси бўлган. 2004 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган.

У Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси сифатида қуйи палата муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларни такомиллаштириш жараёнига самарали ҳисса қўшиб келди. Хусусан, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этди. Лойиҳа қонунчилик палатасига киритилганидан сўнг мазкур лойиҳани қуйи палата муҳокамасига олиб чиқди. Бундан ташқари, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун, Солиқ кодекси ва бошқа қонунлар лойиҳаларини такомиллаштириш ҳамда қабул қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Қўмитанинг назорат-таҳлил фаолияти орқали қатор қонунларнинг ижросини ўрганиб, амалдаги қонунларнинг ижро механизмини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларини билдирди.


Шунингдек, у ўз сайловчилари билан ҳам фаол иш олиб борди. Улардан тушган мурожаатлар асосида сайлов округи ҳудудида аҳолини электр энергияси билан таъминлашнинг аҳволи яхшиланди, ижтимоий аҳамиятга эга айрим масалалар ҳал этилди.

— Агар яна сайловчилар ишончини қозониб, янги муддатга сайлансам, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат аҳли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қонунларни янада такомиллаштириш учун курашаман, — дейди у. — Шунингдек, ижтимоий стандартлар тўғрисида қонун қабул қилинишига ҳаракат қиламан. Бу эса партиямиз электорати манфаати учун жуда муҳимдир.

РАЖАББОЙ ҲАСАНОВ

(23-Шоҳруд сайлов округи)

1963 йилда Пешку туманида туғилган. Тошкент давлат темир йўл транспорти муҳандислари институтини тугатган. Мутахассислиги — муҳандис-механик.



Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Пешку туман сув хўжалигида ишчи сифатида бошлаган. Ҳарбий хизматда бўлган. 1983-1995 йилларда туман йўл қурилиши бўлимида механизатор, давлат хўжалигида статист, ёшлар ташкилотида турли лавозимларда ишлаган. 1987-1988 йилларда туман қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси котиби, Ромитан тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасида муҳандис бўлиб хизмат қилган. 1995-1999 йилларда Пешку туман ҳокими ўринбосари, котибият бошлиғи, 2000-2001 йилларда Пешку саноат касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари, 2001-2008 йилларда «Пешкумонтаж» хусусий корхонаси раҳбари бўлган. 2008 йилдан «ПешкуДўрмонавтотаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамияти раиси.

— Қишлоқларимиз инфратузилмасини янада яхшилаш, туманларда яшаётган аҳолига тиббий, сервис ва транспорт хизматлари кўрсатишни замон талаблари даражасига кўтариш учун мавжуд имкониятларимиздан самарали фойдаланишимиз керак, — дейди у. — Мисол учун Бухоро вилоятида кўплаб тарихий, меъморий обидалар мавжуд. Агар халқаро туризмни ривожлантириш бўйича ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинса, қанча обидаларимиз таъмирланиб, қўшимча йўллар, меҳмонхоналар, сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари қурилади, эсдалик совғалари тайёрлаш бўйича ҳунармандчилик, касаначилик ривожланади. Бу қанча янги иш ўринлари демакдир. Шунингдек, бу қишлоқларимизни фаровонлаштиришга йўналтирилган чет эл инвестицияларини киритиш имкониятини оширади.

Агар сайловчилар менга ишонч билдиришса, қишлоқларимиз, туманларимиз фаровонлигини янада оширишга, туризмни ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар яратилишида ташаббус кўрсатаман.

МАЖИТ РЎЗИЕВ

(24-Ибн Сино сайлов округи)

1974 йилда Ромитан туманида туғилган. Тошкент давлат юридик институтини тугатган.



Фаолиятини Ромитан туман меҳнат бўлимида ҳуқуқшунослikдан бошлаган. Ҳарбий хизматда бўлган. 1999-2000 йилларда Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман судида суд мажлиси котиби, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судида суд мажлиси котиби, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди суд мажлиси котиби, жиноят ишлари бўйича Пешку туман суди раиси лавозимларида ишлаган. 2007-2008 йилларда жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судида катта мутахассис бўлган. 2008 йилдан «Ишончли ҳимоя» адвокатлик фирмаси адвокати.

Ўз меҳнат фаолияти давомида ҳалоллик ва холислик принципларига қатъий амал қилади ҳамда адолатнинг қарор топишига интилади. Айни пайтда адвокат сифатида мурожаат қилган ҳар бир фуқаро ҳуқуқини қатъият билан ҳимоя қилиб келмоқда.

— Мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилувчи янги қонунларни ишлаб чиқишда фаол қатнашмоқчиман, — дейди у. — Амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш, қонунлар ижроси назорат-таҳлилини изчил олиб бориш орқали партия электорати манфаатларини самарали ҳимоялаш мумкин.

Бундан ташқари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга, давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож қатлам вакилларининг малакали юридик хизматдан фойдаланиш имкониятларини қонуний йўл билан таъминлашни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этаётган эканмиз, аҳолининг кам таъминланган қатламининг ҳам юридик хизматдан фойдаланиш, ҳуқуқий ёрдам, маслаҳат олиш ҳуқуқларини таъминлаш механизми ишлаши керак. Ҳамма нарса пул билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Сайловчилар ишончини қозонсам, ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

САНЪАТИЛЛО ҲИКМАТОВ

(25-Варахшо сайлов округи)



1967 йилда Ромитан туманида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги аграр университет)-ни тугатган. Мутахассислиги — агроном.

Меҳнат фаолиятини Ромитан туманидаги давлат хўжалигида бошлаган. Бригада бошлиғи, бош ҳосилот бўлиб ишлаган. 1995-1998 йилларда «Камолот» жамғармаси Ромитан туман бўлими раиси, Бухоро вилоят бўлими раисининг ўринбосари, 1998-2003 йилларда Ромитан туман «Агрокимётаъминот» ташкилоти раҳбари, Бухоро вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2003-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси бўлган. 2004 йилдан Бухоро вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори.

С.Ҳикматов ишда ўзини кўрсатган раҳбар сифатида кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда. Фаолиятида ҳар доим янги технологияларни қўллашга ҳаракат қилади. Айни чоғда Бухоро вилоятида ўсимликларни ҳимоя қилиш, пахта ва дон ҳосилдорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни ўртага ташламоқда.

— Бухоро вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш, деҳқон меҳнатини енгиллаштириш ва даромадини кўпайтиришга хизмат қилувчи қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқчиман, — дейди у. — Бундан ташқари, қишлоқ ёшларининг манфаатларини таъминлаш борасида олис ҳудудлардаги йигит-қизларнинг имкониятларини юзага чиқаришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Қонунлар орқали шундай бир тизимни вужудга келтириш керакки, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларда тарбия топаётган йигит-қизлар ҳам ўз истеъдоди, қобилиятини янада ривожлантириш, фан сирларини ўзлаштириш, касб-ҳунар ўрганиш, илғор технологияларни ҳаётга жорий қилиш борасидаги интилишларини кенг намоён этиш имконига эга бўлсин. Депутат этиб сайлансам, ана шундай мақсадларга хизмат қилувчи қонунларни такомиллаштириш борасида ташаббуслар билан чиқмоқчиман.

ШАРБАТ АБДУЛЛАЕВА

(26-Пайкент сайлов округи)

1958 йилда Олот туманида туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги ТДИУ)ни тугатган. Мутахассислиги — иқтисодчи. Иқтисод фанлари доктори, профессор. «Фидокорона хизматлари учун», «Меҳнат шуҳрати» орденлари билан тақдирланган.



Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида ассистентликдан бошлаган. 1982-1985 йилларда аспирантурада ўқиган ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1986-2005 йилларда ТДИУ, кейинчалик Тошкент Молия институтида ассистент, доцент, кафедра мудири, Банк-молия академиясининг «Кредит иши» кафедраси мудири, докторанти бўлган. 2005 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.

10 га яқин дарслик, 50 дан ортиқ ўқув ва услубий қўлланмалари чоп этилган. Қатор фан номзодлари ва фан докторларини тайёрлаган.

Шарбат Абдуллаева Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган барча қонун лойиҳалари бўйича асосли таклифлар билдириб, уларни янада такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакат иқтисодий ўсиши, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган «Микромолиялаш тўғрисида», «Истеъмол кредити тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, 5 та амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонунлар лойиҳаларини қўмитада тайёрлашга масъул бўлиб, Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишларига олиб чиқди.

— Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга, — дейди у. — Шунингдек, янги иш ўринлари очишда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсирини бартараф қилишда ҳам ушбу қонунларнинг роли катта бўлмоқда.

Ўтган давр мобайнида сайловчиларим билан доимий мулоқотда бўлишга ҳаракат қилдим. Бевосита қонун ижодкорлигидан ташқари, сайловчиларнинг мурожаатлари асосида депутатлик сўрови орқали иш ҳақи ва нафақаларнинг ўз вақтида олинишини таъминлаш, кредитлар олиб ўз ишини йўлга қўйиш ва янги иш ўринлари яратиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш, транспорт, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда бошқа масалалар ҳал этилди.

Агар янги муддатга сайлансам, партиямизнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, сайловчилар учун муҳим бўлган транспорт тизими ва Олот, Қоракўл туманлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари ечимида ваколатларимдан келиб чиқиб, имкон қадар ёрдам беришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

КОМИЛ ОЧИЛОВ

(27-Жилвон сайлов округи)



1951 йилда Шофиркон туманида туғилган. Самарқанд тиббиёт институтини тамомлаган. Тиббиёт фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли судга оид тиббиёт экспертизаси бюросида ординаторликдан бошлаган. 1978-1982 йилларда (ҳозирги) Санкт-Петербург врачлар малакасини ошириш институтида суд-тиббиёт эксперти, 1982-1984 йилларда Украина врачлар малакасини ошириш институтида суд-тиббиёт экспертизаси соҳасида малакасини оширди, 1984-1990 йилларда эса шу даргоҳда далилий ашёларни текшириш лабораторияси раҳбари бўлди. 1990 йилдан Бухоро давлат тиббиёт институтида «Одам анатомияси ва суд тиббиёт экспертизалари» кафедраси мудири.

Изланувчан олим саксондан ортиқ илмий мақола, 20 дан ортиқ услубий қўлланма муаллифи, ўттизга яқин мультимедия дарсликлари тайёрлаган. Нуфузли халқаро конгрессларда маърузалари билан қатнашиб келаяпти. У катта жамоада касаба уюшмаси раиси сифатида 49 нафар ўқитувчи-профессорнинг уй-жой билан таъминланиши учун катта ҳисса қўшди, ҳар йили кўплаб касбдошларининг ўз соғлиқларини тиклаб олишлари учун жонкуярлик кўрсатаяпти.

— Мамлакатимизда тиббиётни ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар янада такомиллаштирилиши, инсон саломатлигига масъул касб эгаларининг бурч ва вазифалари қонун асосида белгилаб берилиши, масъулияти янада оширилиши, тиббиёт институтларида янги педагогик технологияларни янада кенгроқ қўллаш зарур, — дейди у. — Даврнинг ўзи тиббий кадрлар тайёрлашда жавобгарлик ва масъулиятни белгилаб берувчи мукаммал қонунлар ишлаб чиқишни тақозо этаяпти.

Айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари шароитини янада яхшилаш, уларни малакали тиббий ходимлар билан таъминлаш учун қўшимча чоратадбирлар белгиланиши керак, деб ҳисоблайман. Шунингдек, аҳолини даврий равишда мажбурий тиббий назоратдан ўтказиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламга тиббий хизмат кўрсатиш ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича ҳам янги ҳуқуқий меъёрлар белгиланиши зарур. Агар депутат этиб сайлансам, ана шу мақсадларни амалга оширишга хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида фаол қатнашаман.

КОМИЛ ҚОБИЛОВ

(29-Жиззах сайлов округи)

1956 йилда Жиззах туманида туғилган. Самарқанд давлат қурилиш-архитектура институтини тамомлаган. Мутахассислиги — қурувчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи.



Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Жиззах шаҳридаги 258-механизациялашган кўчма колоннада усталикдан бошлаган. Ҳарбий хизматда бўлган. Сўнг яна ўша иш жойида бош муҳандис, кўчма колонна раҳбари лавозимларида ишлаган. Давлат ва жамоат ташкилотларида турли лавозимларда фаолият кўрсатган. 1992-2004 йилларда Жиззах шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, Жиззах шаҳар ҳокими, Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Жиззах тумани ҳокими вазифаларида ишлаган. 2004 йилдан «MLEK-FOODS» масъулияти чекланган жамият директори ўринбосари.

Комил Қобилов ўтган йиллардаги фаолияти давомида Бандлик Дастурининг бажарилиши, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, жойларда бу борадаги қонунлар, қарорлар, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келди. Касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш зарурлигига эътибор қаратди. Сайлов округидаги катта-кичик муаммолар, ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг мақбул жиҳатларини, йўл-йўриқларини яхши билади.

— Харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган ихчам технологиялар билан жиҳозланган кичик корхоналар, сервис хизматлари кўрсатиш шохобчалари қуриш ва улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш одамларни ижтимоий фойдали меҳнат билан банд этишнинг мақбул йўлларидир, — дейди у. — Бундан ташқари, касаначилик, косиблик, халқ ҳунармандчилигининг янада ривожланиши учун керакли шароитларни яратиш, шу соҳада меҳнат қилаётганларни рағбатлантириш, ёшларни касбга йўналтиришни янада такомиллаштириш лозим, деб биламан. Қишлоқ жойларда ҳозирги замон транспорт, муҳандислик ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш, коммунал хизматлар сифатини ошириш, одамлар турмуш фаровонлигини кўтаришга қаратилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Депутат этиб сайлансам, ана шу масалаларга асосий эътиборни қаратмоқчиман.

МУРТАЗАҚУЛ БЎТАЕВ

(30-Дўстлик сайлов округи)



1965 йилда Боёвут туманида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Мутахассислиги — агроном. «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Дўстлик туманидаги хўжаликда ишчиликдан бошлаган. 1982 йилдан 1996 йилгача шу хўжаликдаги биолаборатория агрономи, бўлим бошлиғи, «Эшниёз бобо» фермер хўжалигида иш юритувчи сифатида фаолият кўрсатган. 1996 йилдан «Эшниёз бобо» фермер хўжалиги раҳбари.

Муртозақул Бўтаев депутат этиб сайланса, ЎзХДП Дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, қишлоқда, айниқса, аграр тармоқда долзарб муаммоларни бартараф этиш учун курашишни ўз олдига мақсад қилган. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ишсизлиги масаласининг мақбул ечимларини топиш юзасидан аниқ таклифларга эга.

— Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг жойлардаги бошқармалари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда манфаатдор бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йилги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиб бориши ва яратилаётган иш ўринлари таҳлилини амалга ошириш, унинг натижаларига қараб ҳудудларда маҳаллий бандлик ва инвестиция дастурларини ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш ишларини такомиллаштириш талаб этилмоқда, — дейди у. — Ушбу муҳим масала бўйича парламент сўрови, парламент назоратини кучайтиришнинг вақти келди.

Фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқлари тўла ҳимояланган ички ҳамда ташқи миграцияни ташкил қилиш ишларини кучайтириш, такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман. Фуқароларни касбга йўналтириш ва касб-ҳунарга ўқитиш учун имкониятларни кенгайтириш, қишлоқ жойлардаги банд бўлмаган аҳоли учун ишлаб чиқариш асосларидан таълим бериш мақсадида менежмент мактабларини очиш, уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар, цехлар, участка ҳамда технологик линияларни ташкил қилиш масалалари юзасидан сабоқ беришни ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Имтиёзли кредитлар, грантлар бериш, қишлоқ жойларда ҳам замонавий ижтимоий инфратузилмани ташкил этиш, яъни чакана савдо, умумий овқатланиш тармоқларини, аҳолининг маданий ҳамда маиший эҳтиёжлари учун керакли шарт-шароитларни яратиш одамларнинг ўзи учун ўзи иш жойи яратиш механизми ишлашини таъминлайди. Депутат этиб сайлансам, ана шу соҳадаги қонунларни такомиллаштириш борасида ташаббус билан чиқмоқчиман.

ГУЛНОРА ТЎРАЕВА

(31-Зарбдор сайлов округи)



1964 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги — акушер-гинеколог.

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда Жиззах вилоят шифохонасида бошлаган. 1990-1991 йилларда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида мутахассис, 1991-1999 йилларда вилоят шифохонасида акушер-гинеколог, 1999-2004 йилларда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах Филиалида акушер-гинеколог вазифаларида фаолият кўрсатган. 2004 йилдан шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах шаҳар филиали раҳбарининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари.

— ЎзХДП Дастурида жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётда янада фаоллашувига эришиш ҳамда иқтидорли, истеъдодли қизларимизни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди у. — Шу билан бирга, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳамда сиёсий билимларини бойитишни муҳим, деб биламан. Бу жамиятимизда юзага келадиган муайян ижтимоий муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Шундай экан, кучимизни, айниқса, аёллар манфаатларини юзага чиқаришга йўналтириш зарур.

Бугун инсон қалби, айниқса, ёшлар, аёллар онгини забт этиш учун мафкуравий кураш борган сари шиддатли тус олаяпти. Айрим аёлларимиз ёвуз ниятли кимсалар, оқимлар таъсирига тушиб қолаётганини ҳам яшириб бўлмайди. Бу масалаларга ўта ҳушёрлик, зийраклик билан муносабатда бўлиш зарур.

Бехатар оналик ва соғлом болалик масаласи айни кун тартибида. Бу борада юртимизда жуда кўп ишлар қилинмоқда. Аммо, менинг фикримча, бу етарли эмас. Хусусан, оналаримиз, қизларимизнинг тиббий саводхонлигини ошириш ҳақида ўйлашимиз керак. Бўлажак оналаримизда тиббий саводхонлик юқори бўлса, аминманки, баркамол, соғлом авлод шаклланиб бораверади.

ДИЛБАР СОАТОВА

(32-Ғаллаорол сайлов округи)



1951 йилда Оқдарё туманида туғилган. Самарқанд давлат педагогика институтини тамомлаган. Мутахассислиги — ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Филология фанлари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолиятини Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек тили кафедрасида ўқитувчиликдан бошлаган. 1972-1975 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номли Қўлёзмалар институти аспиранти, 1975-1992 йилларда Жиззах давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси, 1992-1996 йилларда Жиззах политехника институти ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси мудири лавозимларида ишлаган. 1996 йилдан Жиззах политехника институти проректори.


Кўп йиллик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда у талаба-ёшларнинг иқтидори, истеъдодларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деб ҳисоблайди. Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган истеъдодли ёшлар учун турли имтиёзлар яратиш долзарб вазифа эканлигини алоҳида таъкидлайди.

— Олий ўқув юртларида таълимни янада ривожлантириш, кучайтириш масалалари устида муттасил ишлашимиз зарур, — дейди у. — Бундан ташқари, талаба ёшларнинг пухта ижтимоий ҳимояси белгилаб қўйилган қонун ҳужжатларига эҳтиёж сезилмоқда. Зеро, эртанги кунимиз, келажагимиз яратувчиларининг таълим-тарбиясига бефарқ қарай олмаймиз. Хусусан, ўқув даргоҳларини тугатган ёки бирор-бир касб-ҳунарни эгаллаган, меҳнат қобилиятига эга бўлган ёшларнинг тўлақонли иш билан бандлигини қонун билан кафолатлаш лозим. Мамлакатимиз ёшлари ўз билим ва иқтидори, имкониятлари кучқувватини шу азиз Ватанимизнинг равнақи йўлида сарфласин.

Баркамол авлодни тарбиялаш ишига ўз умрини бағишлаётган ўқитувчи-мураббийларнинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Номзод сифатида ана шу ва партиямиз сайловолди сиёсий позициясига асосланган бошқа қатор ижтимоий масалаларни илгари сурмоқдаман. Депутат этиб сайлансам, уларни қонунларда акс эттириш учун бор куч-ғайратим, билимимни сарфлайман.

АБДУНАБИ АБДУРАҲМОНОВ

(33-Пахтакор сайлов округи)



1957 йилда Жиззах туманида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Мутахассислиги —агроном.

Меҳнат фаолиятини жамоа хўжалиги аъзолигидан бошлаган. 1981-2005 йилларда Жиззах туманидаги богдорчилик хўжалигида ҳосилот, давлат хўжалигида бош ҳосилот, бўлим бошлиғи, катта ҳосилот вазифаларида ишлаган. «Қўрғонтепа» ширкат хўжалиги раиси бўлган. 2005 йилдан «Қўрғонтепа» фермер хўжалиги раҳбари.

Абдунаби Абдураҳмонов ЎзХДП Дастуридан келиб чиқиб, электорат манфаатлари йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга оширган. Партиянинг ижтимоий таянчи ҳисобланган кўп болали оилалар, ногиронлар, кам таъминланган ва махсус маълумотга, мутахассисликка эга бўлмаган кишилар манфаатлари билан боғлиқ масалаларни бир неча бор кўтарган. Шу тоифага мансуб фуқароларнинг интилишлари, хоҳиш-иродасини яхши билади ва уларга имкон қадар кўмак беришга ҳаракат қилади.

— Мамлакатимизда кўп болали, кам таъминланган оилалар, жисмоний имкониятлари чекланганлар, махсус маълумоти, мутахассислиги бўлмаган кишиларга ҳар томонлама имтиёзлар, қулайликлар яратиб берилаётгани барчамизга маълум, — дейди у. — Шу билан бирга, уларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги, янада мустаҳкам, ишончли механизмларини яратиш зарур. Айни пайтда таъкидлаш керакки, давлат ва жамиятнинг ғамхўрлиги уларда боқимандалик кайфиятини келтириб чиқармаслиги керак. Бу йўналишда яратилаётган қонунлар, ишлаб чиқилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш билан бирга, жойларда уларнинг ижросини таъминлаш бўйича қилинаётган ишларда юзакилик, бир ёқламалик, сусткашлик ҳолатларига барҳам бериш талаб этилмоқда.

Депутат этиб сайланган кишида қонунларни қабул қилиш ва уларнинг жойлардаги ижросини назорат-таҳлил қилишда бевосита иштирок этиш ваколати пайдо бўлади. Сайловчилар ишончини қозонсам, ушбу ҳуқуқ ва ваколатлардан ҳар доим самарали фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Хориждаги кўргазмалар

ДУНЁ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ЭЪТИРОФ ЭТАДИ...

Партиядошларимиз ҳаётидан



Мен Мўътабарни анчадан буён биламан, қилган ишларини кузатиб бораман.

Мўътабар Миржалолова раҳбарлик қилаётган «Нозик санъатлар маркази» (дастлаб у «Болалар ва ёшлар ижоди» деб аталарди) ташкил топганига салкам йигирма йил бўлди. Марказ республикамизнинг олис қишлоқ, шаҳар, туманларида яшаб ижод қилаётган ҳунарманд, рассом, нозик амалий санъат турлари билан шуғулланувчи иқтидорларнинг ижод намуналарини хориждаги кўргазмаларда намойиш этишга кўмаклашиб келади. Қанча ёшлар Баҳодир Низомқориев, Римма Угай, Қурбонбой Матмуратов каби устозлар раҳбарлигида тасвирий санъат, кулолчилик, миллий ёғоч ўймакорлик сингари студияларида таҳсил олдилар, тажриба орттирдилар.

Кези келганда, ўз ижод намуналари билан аллақачон эл назарига тушган Боймат Муратов, Артур Орленов, Алишер Эргашев сингари рассомлар ҳам ижод оламига шу остонадан ҳатлаб ўтганлигини айтиб ўтмоқчимиз.

Марказ ижодиёт дунёсига ихлосмандлар билан ҳамиша ҳамкорлик қилади. Унинг фаолиятига чуқурроқ назар ташласак, оддийгина ёғоч ўймакорлик билан нозик санъат асари яратган истеъдод эгаларию, палак, поёндоз, жилоси кўзни қамаштирувчи каштачилик ёки зар тўнлари билан халқаро кўргазмаларда дунёни ҳайратга солган салоҳият эгаларининг ишларидан хабардор бўламиз.

— Малайзияда ўтказилган халқаро кўргазма, — деб эслайди марказ директори, — ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда Нодир Умаров ва Жамшид Ғойибовларнинг ёғоч ўймакорлик ишларидан намуналарни намойиш этдик. Бир гуруҳ хорижлик мутахассислар ёғоч ўймакорлиги намуналарининг жилоси, ранглар уйғунлигини, ўймаларнинг нафислигини кўриб ҳайратларини яширолмай: «Шарқнинг биллур асари» дея олқишлашди. Кўргазмага ташриф буюрганлар павильонимиз олдида узоқ туриб томоша қилишди, — дейди у.

Дарҳақиқат, «Нозик санъатлар маркази» фаолиятида бундай халқаро кўргазмалар кўп бўлган.

Бир мисол, 2005 йил мусулмон оламида нуфузли анжуманлардан бири Бутунжаҳон Ислом Конференцияси Ташкилоти ва Саудия Арабистони Туризм Олий Кенгаши ҳомийлигида «Туризм ва амалий санъат» конгрессини ўтказди. Конгресс доирасида «Туризм ва амалий санъат» конференцияси ва «Амалий санъат» кўргазмаси ҳам режалаштирилган эди. «Нозик санъатлар маркази» конференцияда маъруза этиш ва кўргазмада қатнашишга таклиф этилди. Мўътабарнинг «Ўзбекистонда туризм ва амалий санъат» маърузаси матни ва бошқа материаллар конгресс ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, ижобий баҳоланди.

Конференцияда Мўътабар Азизованинг инглиз тилидаги юртимиз ҳамкорликда 60 дан ортиқ ана шундай халқаро кўргазмаларда қатнашди.

Ўтган йилнинг 27-31 октябрь кунлари марказ Тунис давлатининг Тунис шаҳрида «Ҳунармандчиликнинг архитектура лойиҳаларида қўлланилиши» мавзуида бўлиб ўтган Халқаро Конгрессда иштирок этди.

Мен Халқ демократик партияси аъзосиман. Талаб даражасида сиёсий савияга эга бўлишга интиламан. Ва бу хорижий томошабинлар билан мулоқотда менга жуда асқотади. Ҳамкорлар топишда тил билиш, сиёсий ҳамда ижтимоий савия муҳим ўрин тутади, — дейди у.

Суҳбатларимизда у сўнгги йилнинг туризм ва амалий санъати ҳақидаги маърузаси катта қизиқиш билан қабул қилинди. Юртимиз ёшларининг амалий санъат намуналари конгресснинг олий мукофоти билан тақдирланди.

Хорижда бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмаларда ютуққа эришишнинг ўзи бўлмайди. Беҳудага қарсак чалинмайди. Бунинг учун юрт бўйлаб сарадан-саралаб ижод намуналарини излаб топиш, изланиш керак бўлади. Зеро, бугун халқаро миқёсдаги анжуманларда ўзбекистонлик ёш истеъдод эгаларининг ишлари эътироф этилаяпти. Бир сўз билан айтганда, ноёб қобилиятли ёшларимизнинг миллий анъаналаримиз акс этган ижод намуналари дунё кезаяпти.

Ўтган давр мобайнида «Нозик санъатлар маркази» республикамиздаги турли ташкилотлар билан ҳамкорликда 60 дан ортиқ ана шундай халқаро кўргазмаларда қатнашди.

— Бундай нуфузли халқаро анжуманда қатнашиш зиммага катта масъулият юклайди, — дейди марказ директори. — Айниқса, конгрессда маъруза қилиш... Очиғи, жуда ҳаяжонландим, қунт билан тайёрландим. Инглиз тилида маъруза қилдим. «Ислом маданиятининг Марказий Осиё архитектурасига таъсири» деб номланган маърузам халқаро конгресс журналида босилди. Шунингдек, конгресс доирасида бино ва иншоотларни безашда ишлатиладиган ҳунармандчилик ишларининг ҳам кўргазмаси бўлди. Кўргазмада «Нозик санъатлар маркази» мамлакатимизда бино ва иншоотларни безашда кенг ишлатиладиган ҳунармандчилик намуналарини намойиш қилди.

— Хорижликлар юртимизга катта қизиқиш билан қарайди, кўпроқ маълумотга эга бўлгиси келади. Мен Халқ демократик партияси аъзосиман. Талаб даражасида сиёсий савияга эга бўлишга интиламан. Ва бу хорижий томошабинлар билан мулоқотда менга жуда асқотади. Ҳамкорлар топишда тил билиш, сиёсий ҳамда ижтимоий савия муҳим ўрин тутади, — дейди у.

Суҳбатларимизда у сўнгги йилларда марказнинг студиялари ишини янада жонлантириш, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш устида изланаётгани ҳақида гапирди. Айни пайтда студияларда 50 нафардан ортиқ қатнашчилар бор.

Марказнинг хайрли ишлари кўп. Зеро, айни кунларда марказ жамоаси унутиб борилаётган миллий амалий санъатимизнинг каштачилик, сўзаначиликнинг ироқи усулини жонлантиришга ҳаракат қилаяпти.

Халқаро кўргазмаларда ҳар бир мамлакат ўзининг минг йиллик миллий ҳунармандчилик, халқ амалий ва нозик санъатини дунё нигоҳига тақдим этади. Зеро, халқимиз бунёдкор, элимиз ижодкор, дунёга кўз-кўз қилса арзийдиган ишларимиз кўп...

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАДА ҚУРИЛАЯПТИ

Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ қиёфасини ўзгартириш борасида бошланган хайрли саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Сурхондарё вилоятида ҳам намунавий лойиҳалар бўйича аҳоли турар-жойлари барпо этилаяпти.

«Қишлоққурилишинвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниясининг вилоят шўъба корхонаси директори Қудрат Қурбонниёзов билан суҳбатимиз ана шу ҳақда.

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан «Қишлоққурилишбанк» қошида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурувчиларга кўмак бериш учун «Қишлоққурилишинвест» ихтисослашган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Бу компания республикамизнинг ҳар бир минтақасида ўз тармоғига эга. Бизнинг шўъба корхонамиз якка тартибда иморат қуриш истагини билдирган ҳамюртларимизга яқиндан ёрдам кўрсатишга тайёр.

Тизимимиз ходимлари уй-жой бозорини маркетинг жиҳатидан ўрганиш, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалар таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш бўйича таклифлар тайёрлайди. Уй-жойлар ва бошқа иншоотлар бўйича буюртма бериб, уларни молиялаштириб борамиз. Янги қишлоқ аҳоли пунктларини сифатли қуришни таъминлаб бера оладиган қурилиш ташкилотини танлаш ва бинони тайёр ҳолда топширишгача бўлган барча жараёнларни назорат қилиб бориш зиммамизда бўлади.

Шуни айтиш керакки, замонавий уй-жой қурилиши учун «Қишлоққурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан олти ойлик имтиёзли давр билан 15 йил муддатгача ипотека кредити берилади. Бундай маблағ қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган миқдорда ажратилади. Албатта, бунинг ўзига яраша талаб ва шартлари бор.

Ипотека кредити 18 ёшга тўлган, охирги 12 ой мобайнида доимий ишлаб келаётган, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад манбаига эга, шунингдек, қурилаётган уй-жой қийматининг камида 25 фоиз миқдоридаги бошлағич бадал учун тўлов имкониятига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Айни пайтда 3 хонали уйнинг тахминий нархи 64,2 миллион сўмни, 4 хонали уй 68,9 миллион сўмни, 5 хонали уй эса 75,4 миллион сўмни ташкил этмоқда.

— Воҳамиз аҳолисига таклиф этилаётган лойиҳалар қандай афзалликларга эга?

— Биринчидан, иморатларни барпо этишда мустаҳкам, иқлимимизга мос, шу билан бирга, иссиқ-совуқни ўтказмайдиган қурилиш материалларидан фойдаланилади.

Биноларнинг девори пишиқ ғиштдан тикланади. Усти темир черипица билан ёпилади, «Акфа» дераза-ромлар ўрнатилади. Қолаверса, яшаш учун шаҳарникидан қолишмайдиган шароитлар яратилади. Иситиш ва совутиш тизими, канализация билан таъминланади.

Янги аҳоли масканларида равон йўллар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, қишлоқ врачлик пунктлари ва мактаблар барпо этиш кўзда тутилган. Доимий энергия ва сув билан таъминланади.

Ҳозир Шеробод туманидаги «Сеплон» маҳалласида, Жарқўрғон туманидаги «Ғурғур» маҳалласида ва Термиз туманидаги «Лимонзор» маҳалласида 20 тадан, жами 60 та уй-жой барпо этилаяпти. Уларни жорий йил охиригача қуриб битказиш мўлжалланган. Умуман, бу 5 йиллик дастур. Аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда қурилиш ишларини жадаллаштириш чоралари кўрилади.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Диққат: Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Юртимизда йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан жорий йилнинг 10 декабридан 2010 йилнинг 10 январига қадар республикамиз ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Шу муносабат билан Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Азиз ИНОЯТОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Бугун мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчилар, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактик тадбирлар ўтказиш, транспорт воситаларининг техник ҳолати, йўлларнинг аҳволини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги ДЙҲХХ ходимлари томонидан жорий йилнинг ўн бир ойи давомида жами 4 миллион 424 минг 551 та, шундан 64 минг 250 та маст ҳолда, 20839 та монитор ўрнатилган транспортни бошқариш, 29 минг 543 та қорайтирилган ойнали транспортдан ва 76770 та қўл телефонида гаплашиш ва 806 минг 524 та хавфсизлик тасмасидан фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланган.

Президентимизнинг 2006 йил 28 февралдаги қарори ижросини таъминлаш, автобуслар ҳаракатини тартибга солиш мақсадида 956710 та йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситаси текширилиб, 242220 та қоидабузарликлар аниқланди. 37403 та камчиликларга эга бўлган йўловчи ташувчи транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланди. Йўл қўйилган қоидабузарликлар бўйича 521 та ташкилот раҳбарларига тақдимнома киритилиб, 129607 мингдан зиёд ҳайдовчи ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Йўл ҳаракатини самарали ташкиллаштириш, такомиллаштириш, автомобиль йўллари ва кўчаларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, йирик бозорлар атрофида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликларни бартараф этиш мақсадида мутасадди идораларга 50 тадан зиёд тақдимномалар киритилди.

Шунга қарамасдан йўл-транспорт ҳодисаларининг сони юқорилигича қолаётганлиги жиддий ташвиш уйғотмоқда.

2009 йилнинг ўн бир ойида содир бўлган 9731 та йўл-транспорт ҳодисасида 2015 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 10484 нафари тан жароҳати олган. Гарчи бу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қам бўлса-да, барчамизни ўйлашга мажбур қилади.

Таҳлиллар республика ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг сони юқори даражада қолаётганлигини ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда кескин чора-тадбирлар белгилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишида республикамиз ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар кўриш, транспорт ва пиёдалар, жумладан болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш, бартараф этиш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш, ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитишни янада яхшилаш, ойликни ўтказишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ташкил этиш комиссияларини тузиш, ойликни самарали ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва унда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идораларнинг вазифаларини белгилаб қўйиш, «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича амалий машғулотлар «Болалар автошаҳарчалари»ни ҳомийлар ёрдамида барпо этиш, жамоат транспорти ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда ойлик ўтказилаётгани ҳақида реклама ёзувларини, плакатларни жойлаштириш, ҳар ўн кунда ойликнинг боришини муҳокама этиш ва унда мутасадди раҳбар ходимлар ҳисоботини эшитишни йўлга қўйиш ҳамда жамоатчиликнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокига баҳо бериш юзасидан аниқ топшириқлар берилган.

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш жуда кўп омилларга боғлиқ. Маълумки, ҳар бир транспорт воситаси, у хоҳ йўловчи ташувчи бўлсин, хоҳ юк ташувчи, биринчи навбатда техник жиҳатдан соз бўлмоғи лозим. Чунки техниканинг созлиги ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Йўлда бирор-бир тасодифий кўнгилсизликка учрамаслик, айниқса, йўловчи ташувчи транспортлар хизматидан фойдаланаётган фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш биринчи навбатда айнан техниканинг созлигига боғлиқ.

Мамлакатимиз автомобиль йўлларида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларини, айниқса, болалар иштирокидаги ҳодисалар таҳлилини кўздан кечирар эканмиз, биз катталарнинг бепарволиги ва эътиборсизлиги оқибатида юз берган кўнгилсизликларга гувоҳ бўламиз.

2009 йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизда болалар билан боғлиқ 1717 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди.

Бу фалокатларда 261 та норасидалар бевақт вафот этди. 1541 та бола турли даражадаги тан жароҳати олди. Уларнинг кўпчилиги бир умрга ногирон бўлиб қолди.

Аввало шуни айтиш лозимки, ҳар йили бизнинг жойларда фаолият юритаётган ходимларимиз мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларига бориб, болалар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказишади. Уларнинг асосий вазифаси «Йўл ҳаракати қоидалари»дан сабоқ берадиган муаллимларга кўмак ва йўналиш беришдир. Ойлик давомида бу каби тадбирлар янада кучайтирилади.

Йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси, деб қарамаслик керак. Ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз, қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиқдингизми, сиз йўл ҳаракати иштирокчисига айландингиз. Демак, белгиланган йўл ҳаракати қоидасига амал қилишингиз зарур. Шу ўринда пиёда ёки ҳайдовчи бўладими барча-барчага қарата «Йўлингиз бехатар бўлсин» дегим келади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ
ёзиб олди.

Иқтисодиёт

КОНЧИЛАРГА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Навоий тоғ металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» агрофирмаси Зарафшон, Зафаробод ва Учқудуқда яшовчи кончиларга сархил ноз-неъмат, сифатли чорва маҳсулотлари етказиб беришни йил сайин кўпайтирмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида агрофирма жамоаси қизилқумликларга 400 тонна узум, 437 тонна олма ва ўрик, 680 тонна сут ҳамда сут маҳсулотлари, 120 тонна гўшт етказиб беришни режалаштирган эди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кон изловчилар агрофирмадан жами 1,5 минг тоннадан ортиқ мева, сабзавот ва чорва маҳсулотлари қабул қилиб олишди. Айниқса, маъмурчилик манбаи саналган чорвачилик агрофирмада етакчи соҳа ҳисобланади. Ўтган йили биргина шу тармоқнинг ўзидан қарийб 20 миллион сўмлик даромад қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 35 миллион сўмга етказиш мўлжалланган.

Агрофирмада деярли барча соҳа механизациялашган ва жаҳон андозаси даражасида қайта ишлаш технологиясига ўтилган. Масалан, бу ерда режадаги мева ва узумни қайта ишлаш саноати, помидор шарбати ва пастаси ишлаб чиқариш линияси, қўйингки чорва маҳсулотлари, сут ва гўштни қайта ишлаш ҳамда уни бугунги замон талаблари даражасида қадоқлаш ишлари ҳам энг илғор технология асосида йўлга қўйилган. Энг муҳим жиҳати, — агрофирмада селекция наслчилик ишларининг тубдан яхшиланганидир.

— Чорвачиликнинг ривожи кўп жиҳатдан хориж технологияси асосидаги селекция наслчилик ишларига боғлиқ, — дейди агрофирма директори Расулжон Ҳусенов. — Яқинда Американинг «Голштенаферс» компаниясига мансуб, сермаҳсул, зотдор сигирларни Навоийга келтирдик. Бу ўринда Тошкент вилоятининг «Насл хизмат» корхонаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани яхши самаралар берди. Тошкентлик мутахассислар кўмаги билан четдан 223 та зотли говмишлар харид қилдик. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатаяптики, сермаҳсул хориж қорамолларининг ҳар бири йилига 10-11 минг тоннага етказиб сут беради. Бунинг устига бу говмишлар сути ўта серёғ бўлгани боис ундан тайёрланадиган пишлоқ ва қаймоқнинг бозори чаққон. Жорий йилда минг тонна сифатли сут ишлаб чиқариш режасини қабул қилдик. Маҳсулотнинг 900 тоннасини ўзимиздаги мавжуд кичик корхонада қайта ишлаб, уни кончиларга сифатли қатиқ, қаймоқ, пишлоқ тарзида етказиб бераяпмиз.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Пазандалар ассоциацияси жамоаси бош мутахассис Суннатилла Сулаймоновга рафиқаси
Жамилахон СУЛАЙМОНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши Мирзачўл туман партия кенгаши раиси Ҳаким Номозовга укаси
Пардабой НОМОЗОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Баркамол авлод орзуси

КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Узун — Сурхондарёнинг чекка туманларидан бири. Атрофи тоғлар билан қуршалган. Файзобод эса Узун тумани марказидан 35 километр узоқликда, тоғлар бағрида жойлашган қишлоқ. Шу йил сентябрь ойида қишлоқ ҳаётида катта воқеа бўлди. Замонавий янги мактаб биноси барпо этилиб, қишлоқ болалари ихтиёрига топширилди.

— Биз эски, ҳашар билан қурилган мактабда ўқиган эдик, — дейди файзободлик 95 ёшли Омон бобо Муҳаммадиев. — Бундай чиройли, ҳамма шароити бор мактабни кўриб, набира-чевараларимга ҳавасим келди. Бу кунларнинг қадрига етиш керак.

Туман марказидан 40 чақирим олисда жойлашган Оқтумшуқ қишлоғида ҳам ана шундай масканлардан бири ёшларни ўз бағрига олди. Ўтган асрнинг 60 йилларида қурилган мактаб ўрнида бугун ўзгача қиёфали замонавий бино қад ростлади. Бу каби бунёдкорлик вилоятнинг ҳамма ҳудудларида амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жумладан, энг чекка ҳудудларда 6 та янги мактаб қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 200 га яқин мактаб мукаммал реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирланди. Бандихон, Денов туманларидаги мактаблар тасарруфида ажойиб ва кўркам спорт заллари бунёд этилди.

Айни кунларда вилоятда 850 та таълим маскани фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 820 таси умумтаълим мажмуаси, санаторий, махсус ҳамда футболга ихтисослашган илм даргоҳларидир. Бундан ташқари, 387 та мактабгача, 55 та мактабдан ташқари муассаса, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, ахборот-ресурс маркази, меҳрибонлик уйлари мавжуд. Уларда қарийб 415 минг нафарга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олишмоқда. 40 минг нафардан ортиқ ўқитувчи ва мураббийлар ёшларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун камарбаста.

15 та замонавий стадионга, 2500 дан ортиқ футбол, волейбол, баскетбол, теннис корти, қўл тўпи, енгил атлетика билан шуғулланишга мослаштирилган майдончалар ўғил-қизлар ихтиёрида. Вилоят ўқувчилари турли-туман спорт мусобақаларида яхши натижалар кўрсатмоқда.

Шу йилнинг июль ойида Туркияда қўл тўпи бўйича халқаро мусобақада 1993-1994 йилларда туғилган вилоятнинг қизлар жамоаси муваффақиятли иштирок этди. Имконияти чекланган ўқувчилар ўртасида Тошкентда якунланган бадиий ва спорт гимнастикаси мусобақасида Шўрчи туманидаги 68-махсус мактаб-интернат жамоаси 11 та медаль олди.

— Беш йилдан буён гимнастика билан шуғулланаман, — дейди интернат тарбияланувчиси Матлуба Алиқулова. — Ушбу мусобақада иккита олтин медални қўлга киритдим. Келажакда жаҳон чемпиони бўлмоқчиман.

Бир сўз билан айтганда, таълим тизимидаги ислоҳотлар жойларда ўз самарасини бермоқда. Денов туманидаги 17-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси Фазлиддин Алиёров Давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан республика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилинди. Шу йилнинг баҳорида пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган «Энг яхши китобхон» кўрик-танловида Узун туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Малика Мақсудалиева 1-ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, мамлакатимиз миқёсида ўтказилган «Жаҳон халқ оғзаки ижоди билағонлари», «Ягонасан, муқаддас Ватан», «Мактаб — кутубхона — оила», «Йилнинг энг яхши таълим муассасаси кутубхоначиси» каби танловларда ҳам воҳалик мураббий ва ёшлар нуфузли ўринларни эгаллашди.

Дарҳақиқат, бугун эришилаётган ниҳол эртага дарахт бўлиб, мева бериши, келажак авлод тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтарган юртнинг келажаги буюк бўлиши шубҳасиз.

Абдумалик БОТИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ибратли умр

ЯХШИНИНГ ЧИРОҒИ ЎЧМАЙДИ

Яқинда ҳамкасбларимиз билан бўлган бир гурунгда илм инсондан фидойиликни талаб қилиши ҳақида суҳбатлашдик. Ўша учрашувдан сўнг бутун ҳаётини илмфанга бағишлаган бир қатор ҳамкасбларимни эсга олдим. Улар орасида Тельман ака алоҳида ажралиб турарди.

Мен ҳар сафар филология фанлари номзоди, доцент Тельман Раҳматовни ёдга олганимда соғинч туйғуси қалбимни ўртайди. У Самарқанд давлат университетида таълим олаётган йилларидаёқ устозлар назарига тушди. Шундан сўнг бутун ҳаётини тилшунослик илми ва олий даргоҳда ўқитувчилик қилиш билан боғлади.

Олим она тилимиз, Ватан тарихи ва адабиётининг ҳақиқий жонкуяри, тадқиқотчиси, тарғиботчиси эди. У талабалар, олимлар ўртасида ўзбек тилининг жозибаси, бойлиги, қадимийлиги ҳақида тўлиб-тошиб, ҳис-ҳаяжон билан гапирарди.

Мустабид тузум даврида тарихий жой номларини тиклаш ва тадқиқ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Тельман Раҳматов **«Самарқанд вилоят топонимлари»** мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Ўша замон учун қалтис-роқ бўлган ушбу изланиш тилшунос олимлар томонидан юқори баҳоланган бўлсада, баъзи бир кимсалар унинг кўнглига озор беришди. Лекин шунга қарамасдан у бутун ҳаётини тилшуносликнинг нисбатан кам ўрганилган мана шу йўналишига бағишлади. Унинг бир қатор илмий мақолалари, рисолалари нашр этилди. Домланинг ўта нозик диди бўлиб, ҳикоялар, шеърлар машқ қилар, лекин ҳеч қачон шоирлик, ёзувчиликка даъво қилмасди.

Назаримизда, домла бу дунёга фақат яхшилик ва савоб ишлар қилиш учун келгандай эди. У кишидаги камтарлик, ҳамкасбларга, шогирдларга ҳурмат ва ғамхўрликдан барчамиз ўрнак олардик.

Устоз умрининг кейинги тўрт-беш йилини яна жонажон СамДУнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўтказди. Бу ерда тил илмининг дарғалари бўлган Раҳматулла Қўнғуров, Ваҳоб Эгамов, Абдужаббор Мухторов, Бозорбой Ўринбоевлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилди. Ўнлаб, юзлаб нав-ниҳоллар қалбида илмфанга меҳр уйғотди. Ўзидан кейин ҳам ўқиладиган, талабаларга асқотадиган тадқиқотлар қолдирди. Энг муҳими, бугун ҳам давраларда, анжуманларда унинг номи тез-тез тилга олинади.

Тельман Раҳматов умр йўлдоши Гулчеҳра муаллим билан яхши турмуш кечиришди. Улар биргаликда ўғил-қизларини вояга етказишди. Бугун домланинг фарзандлари, шогирдлари унинг эзгу ишларини давом эттирмоқда. Демак яхшининг, яхши одамнинг чироғи ҳеч қачон ўчмайди.

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ҚОНУНЛАР КАЛИТИ, ПОЙДЕВОРИ

Ҳуқуқий демократик жамиятнинг мезони ҳар ким қонун билан ҳимоялана олиши ва лозим ҳолатда қонунни ҳимоя қила билиши билан ўлчанади.

Адолатли ҳаёт кечиришнинг бирламчи шарти эса қонунларга риоя қилиш ҳисобланади. Жамики қонунларнинг калити эса Конституциядир. Ҳар бир шахснинг кимлигини паспортига қараб аниқлаш мумкин бўлса, жамиятнинг тузилиши, салоҳияти, мақсад ва вазифалари Конституциядан билинади. Шу боис Асосий қонунни билиш ҳар бир фуқаронинг маънавий ва ҳаётий эҳтиёжи.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишида Асосий Қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини, моҳиятини ўрганиш, тарғиб қилиш масаласини муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Президент Фармойишида қўйилган вазифа шундан иборатки, таълимнинг барча шаклларини жорий этиш орқали болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш, тарғибот ва ташвиқотнинг таъсирчан воситаларини ишга солиб, Конституция мазмунмоҳиятини кенг омма онгига сингдириш зарур. Мустақиллигимизни асраш, мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ бу масала ниҳоятда кенг кўлам ва теран маъно касб этади.

Ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир. Ҳуқуқий маданият — жамият иқлими. Агар жамиятда ҳар бир фуқаро қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, ҳуқуқ ва қонуннинг устуворлигини тан олса, тартиб ўрнатилади. Аксинча, ҳуқуқ нормаларига ҳурматсизларча муносабат қонунсизликка, жамият турмуш меъёрининг бузилишига, жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданият ҳар бир фуқарони Бош қомус нормаларини яхши билишга ундайди ва уларга риоя қилишни тақозо қилади. Қонунни ардоқлаганни қонун ҳам ардоқлайди, ҳимоя қилади. Зеро, қонун ҳимоясидан кўра ишончлироқ ҳимоя йўқ.

Юсуп ИЛҲОМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари

ЎзХДП: электорат манфаати

Одатда кўзи ожиз, заиф эшитувчи, ҳаракат таянчи шикастланган одамлар имконияти чекланганлар тоифасига киритилади. Лекин улар шундай вазиятда ҳам билим олиш, ҳунар ўрганиш, жамият ҳаётида фаол иштирок эта олишларини намоён қилишмоқда.

ҚАДР ҚАДДИМИЗНИ ТИКЛАДИ

Бу эса ЎзХДПнинг ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида уларни ўз имкониятлари даражасида иш билан таъминлаш, ҳеч кимдан кам эмаслигини ҳис қилиб яшашлари учун шароит яратиш масаласида илгари сураётган ғоялари юқоридаги фикрларимизга ҳамоҳангдир.

Ногиронлик — қисмат. Қисмат бўлганда ҳам аччиқ қисмат. Аввалари мен ҳам соғсаломат эдим. Анча йиллар матбуот соҳасида ишладим.

Аёзли қиш кунларининг бирида Арнасойдаги канал ёқасидаги баландликдан йиқилдим. Ҳушимга келганимда касалхонанинг жонлантириш бўлимида ётардим. Оёқларим зирқираб оғрир, менга бўйсунмасди. Тузалишим даргумон эди. Лекин тирик қолганимга шукр қилдим. Касалхонадан биринчи гуруҳ ногирони бўлиб чиқдим. Ўша пайтдаги изтиробларимни, чеккан азобларимни эсласам...

...Ўшанда ногиронликнинг қанчалар аянчли фожиа эканини ҳис қилдим. Ўзи ногирон бўла туриб ҳаётга тийран кўз билан боққан кишиларнинг ҳаёти менга ибрат мактаби бўлди. Тўшакка михланиб ётганимда таниш-билишлариму ёру биродарларим ҳол сўраб келишди, менга далда бўлишди. Ўшанда ногиронлик ҳассасига суяниб, кўчага чиққан куним имкон борича ўзимга ўхшаганларга ёрдам беришни дилимга тугиб қўйгандим.

Бундан бир неча йил аввал Ўзбекистон Ногиронлар жамияти қошида ташкил этилган «Қадрият» корхонасига раҳбар этиб тайинландим. Корхонамиз ногиронларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бераётир.

Корхона ҳисоб рақамига тушган маблағни тежаб-тергаб ишлатиб, аввало ногиронларнинг саломатлигини тиклашга, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга сарфлашга киришдик. Шу ўринда бизга беминнат ёрдам кўрсатаётган ҳомийларимизга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Янгибой ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон Ногиронлар жамияти қошидаги «Қадрият» корхонаси раҳбари.

САМАРАСИЗ ЯКУНЛАНДИ

Энди нима бўлади?

Молдова парламентида тўртинчи бор президентни сайлашга уриниш бесамар якунланди. Бу сафар тўртта партияни бирлаштирган ҳукмрон коалициядан, аниқроғи, Демократик партиядан президентликка номзоди кўрсатилган, партия етакчиси Мариана Лупу учун 53 нафар депутат овоз берди. Сайланиш учун эса 61 депутат овоз бериши керак.



Парламентда 48 та мандатни эгаллаган коммунистлар эса овоз бериш бошланишидан олдин «бойкот» эълон қилиб, парламент залини тарк этдилар.

«Интерфакс» АА маълум қилишича, мамлакат конституциясига кўра, энди парламент тарқатиб юборилиши ва навбатдан ташқари янги парламент сайловлари чақирилиши даркор. Аммо парламентни бир йилда икки бор тарқатиб юбориш мамлакат қонунчилигига кўра мумкин эмас. Парламент ваколати 2010 йил июндагина тугатилиши мумкин. Шу боис ҳукмрон коалиция парламентни тарқатиб юбориш «процедура»сидан воз кечиб, президент сайлови тартибини ўзгартиришни, яъни президент парламент депутатлари томонидан эмас, балки умумхалқ томонидан сайланишини таклиф этмоқда.

Давлат бошлиғи вазифасини вақтинча бажараётган парламент спикери Михай Гимпу бу борада мамлакат конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун махсус комиссия тузди.

Парламентнинг амалдаги таркиби жорий йилнинг 29 июлида ўтказилган навбатдан ташқари парламент сайловларида шакллантирилган.



ИККИ ТОМОНЛАМА САВДОДА

доллардан воз кечилди

Бразилия ва Уругвай ҳукуматлари давлатлараро икки томонлама савдо-сотиқда АҚШ долларидан воз кечиб, маҳаллий валютадан фойдаланиш тўғрисида ўзаро келишув битими имзоладилар.



Шундай қилиб, Уругвай давлатлараро савдо-сотиқда АҚШ долларидан воз кечган Жанубий Америкадаги учинчи мамлакатдир. Худди шундай битим Бразилия ва Аргентина ўртасида ҳам имзоланган ва у 2007 йилдан буён амалда қўлланмоқда. Ўзаро олди-бердилар Бразилия реалида ва Аргентина песосида амалга оширилмоқда.

ВАБО ЭПИДЕМИЯСИ БОИС

фавқулодда ҳолат эълон қилинди

Кениянинг шимолий музофотларида вабо эпидемияси бошланганлиги мамлакат маъмурияти томонидан расмий эълон қилинди.

Маълумотларга қараганда, касаллик асосан кўчманчи қабилаларда кўп тарқалган. Айни пайтгача 4,7 минг кишида ушбу касаллик аломатлари қайд этилган. 119 киши айнан шу вабодан нобуд бўлган.

Маҳаллий корчалонларнинг айтишларича, бу йилги қурғоқчилик



вабо тарқалишининг асосий сабабчисидир. Ичимлик сувининг тақчиллиги боис одамлар ифлос ҳовузлардаги сувлардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бу эса турли юқумли касалликларнинг урчишига сабаб бўляпти.

Кения Соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатдаги бугунги эпидемик вазиятни ҳисобга олиб, шимолий ҳудудларда фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Касалликка қарши дори-дармон ва ташхис қўйиш воситалари сотиб олиш учун мамлакат тиббиёти 7,5 миллион долларлик кўмакка муҳтож.

Таълим ва ислоҳот

МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Қарши саноат касб-ҳунар коллежида айни пайтда 1500 нафар ўқувчи саккиз хил йўналишда сабоқ олмоқда. Уларга 50 нафардан ошиқ ўқитувчи- мураббийлар устозлик қилишаяпти. Билим масканида замонавий спорт зали, юксак дид ва замон талаблари асосида жиҳозланган назарий таълим, фан хоналари, лингафон, хорижий тиллар учун мўлжалланган хоналар, физика-кимё лабораторияси ва компьютер хоналари ёшларнинг илм олишига хизмат қилади.

— Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ коллежимизда ахборот-ресурс маркази (АРМ) ташкил этилган бўлиб, унда 5000 дан ошиқ китоб фонди мавжуд, — дейди коллеж директори Илҳом Жумаев.



Суратда: *коллеж ҳаётидан лавҳа.*

Абдурасул ПАРДА олган сурат.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

Объявляет конкурсы на приобретение следующих запчастей:

❖ наконечников (штуцеров, адаптеров), предназначенных для соединения воздушных со специальными автомобилями,
❖ запасных частей к перронным автобусам «COBUS-3000»,
❖ запасных частей к автомобилям «Мерседес ATEGO».

Срок проведения конкурсов с 10 по 20 декабря 2009 года.

Желающих предложить свои услуги, просим прислать по электронной почте sapernya1950@mail.ru или факсу +(99871) 140-28-48 заявку на участие в конкретном конкурсе. На основании заявки будет выслана опросная анкета и перечень потребных запасных частей. Адрес, по которому направить анкеты укажите в заявке.

Заполненные анкеты направлять по выше указанной электронной почте или по факсу, с последующей высылкой оригиналов по почте.

Дополнительную информацию можно получить по телефону: *+(99871) 140-29-54.*

Тадбир

БОШ ҚОМУСИМИЗ - ФАХРИМИЗ

Конституциямизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши алоҳида модда билан белгилаб қўйилган. Бундай имконият ва шароитлардан унумли фойдаланаётган юртимиз ёшлари чуқур билим олиб, касб-ҳунар ўрганиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини намойиш этмоқда.



Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

Кеча 1-Тошкент педагогика коллежида Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Коллеж директори, профессор Шавкат Қурбонов истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни модернизациялаш, айниқса, таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу ютуқларнинг асосий омили, шубҳасиз, мустақил давлатимизнинг Конституцияси эканлиги, ўтган давр мобайнида асосий қонунимиз сиёсий ва ҳуқуқий эркинликнинг тимсоли сифатида халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олгани ҳақида тўхталди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдуманноб Раҳимов Конституциямиз давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик тамойилларини, жамиятни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб берган асосий қомус эканини таъкидлади. Ҳар бир давлатнинг конституцияси шу мамлакатда яшайдиган халқнинг иродаси ва руҳияти, орзу умидларини ифода этишига эътибор қаратди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов конституциямизнинг яратилиш тарихи, унда миллий ва умуминсоний қадриятлар мужассамлиги, инсон манфаати, шаъни, қадри устуворлиги кафолатлангани тўғрисида гапирди.

Тадбирда иштирок этган талабалар Конституция бўйича ўз билимларини намойиш этишди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Мутахассис огоҳлантиради

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг тарқатган хабари ҳамда халқаро кузатувчилар ва соҳа мутахассисларининг билдираётган фикрларига қараганда, дунёда хавфли A/H1N1 вирусини юқтирганлар сони 450 минг нафардан ортган ва уларнинг олти минг нафардан зиёди вафот этган. Маълумки, жаҳондаги қатор давлатларда касалликнинг тарқалиш ҳудуди кенгайиб бораётгани боис турли жамоатчилик ташкилотлари, таълим муассасалари ўз фаолиятларини вақтинчалик тўхташишга мажбур бўлмоқда.

ХАВФЛИ ХАСТАЛИКДАН САҚЛАНИНГ...

Ҳозир дунёда хавфли вируснинг тарқалиш ўчоғи дея таъкидланаётган Мексика аҳолиси A/H1N1 грипидан энг кўп азият чекаяпти. Бу мамлакатда ҳозирги кунгача 255 нафар киши ушбу касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмган, касалланганлар сони 39499 нафарга етган. Эквадорда эса вирусни юқтирганлар сони 60 нафардан ортган.

Ер юзи аҳолиси орасида грипп вирусига чалиниш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Туркиянинг Анқара шаҳридаги мактаблардан бирида тўрт нафар ўқувчида вирус аломатлари сезилганлиги боис, етти кунлик таътил эълон қилинган. Украина Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тарқатган расмий хабарларига кўра, айни кунгача гриппга чалинганлар сони 255 минг 500 нафардан ортиб кетган. Хасталик оқибатида ҳаётдан кўз юмган 70 нафар бемор орасида, уч нафар бола ва икки нафар ҳомиладор аёл бўлган.

Ҳукуматимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан республикамиз аҳолисини бу хасталикдан муҳофаза-лаш борасида олиб борилаётган чоратадбирлар хусусида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги **Республика Давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош врачи Санъат ШОУМАРОВ** билан суҳбатлашдик.

— Авваламбор шуни айтиб ўтиш лозимки, XXI аср бошиданоқ дунёда ҳар хил хавфли вируслар пайдо бўла бошлади. 2004 йилда «Атипик пневмония», 2005 йилда «Парранда гриппи», жорий йилда эса ер юзи аҳолисининг кўпчилик қисми ўта хавфли A/H1N1 вирусига дуч келди. Бу грипп шу йилнинг апрель ойида биринчи бўлиб Мексикада, сўнгра АҚШ ва бошқа давлатларда кенг тарқала бошлади. Аслида бу чегара билмас вирусни мутахассислар илк кўринишини «чўчқа гриппи» кейинчалик, «янги грипп», бугунга келиб эса ўта юқувчан A/H1N1 гриппи деб номлашди.

Республикамизда ушбу хавфли касалликнинг олдини олиш мақсадида апрель ойиданоқ МДҲ давлатлари билан чегарадош ҳудудларимизда фаолият кўрсатаётган барча санитария назорати постларида профилактик тадбирлар янада кучайтирилди. Чегара орқали кириб келаётган ҳар битта фуқарони тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Хориждан келаётган фуқаролар асосан ҳаво транспортидан фойдаланишларини ҳисобга олган ҳолда Тошкент халқаро аэропорти ва вилоятлардаги аэропортларда фаолият кўрсатаётган санитария назорат постларида кечаю кундуз иш олиб борадиган малакали тиббиёт ходимларидан иборат гуруҳлар тузилди.

Хориждан кунига камида 2500-3000 нафар фуқаронинг мамлакатимизга келиб-кетиши ҳисобга олиниб, уларни санитария назорати пунктларида узоқ вақт тўпланиб қолишларига йўл қўймаслик мақсадида тезкорлик билан тиббий сўровдан ўтказиляпти, йўловчиларнинг тана ҳароратларини бир неча секундларда аниқлайдиган Япония давлатида ишлаб чиқарилган контактсиз тепловизор ва термометрлар олиб келиниб ишлатилмоқда.

Шунингдек, аҳоли ўртасида қиш фаслида кунларнинг совуши оқибатида грипп ҳамда мавсумий касалликлар ҳам пайдо бўлади. Республикамизнинг барча ҳудудларидаги бўлимларимиз томонидан кунлик берилаётган маълумотлар марказимизда таҳлил қилиб бориляпти. Марказимиз қошидаги ҳамда Вирусология институтидаги лабораторияларда «ПЦР» аппарати ёрдамида анализлар қайта текширувдан ўтказилмоқда. Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда A/H1N1 гриппи умуман рўйхатга олингани йўқ.

Бундан ташқари, халқимиз ўртасида турли юқумли касалликларни олдини олиш борасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Кўпчилик билан мулоқотда бўладиган тиббиёт, савдо, таълим ҳамда ҳарбий-лар муассасаларида грипни юқтирмаслик учун ниқоблар тақиб юрилиши йўлга қўйилди. Давлатимиз томонидан аҳолини «Инфлювак», «Флюарикс» вакциналари билан эмлаш ташкил этилган.

Мутахассис сифатида шуни таъкидлашни истардикки, A/H1N1 гриппи тез юқадиган хавфли касаллик, айниқса, бемор инсон касалликнинг манбаи ҳисобланади. Касаллик асосан ҳаво орқали, йўталганда, аксирганда, гапирганда юқади. Тана ҳароратининг кўтарилиши, йўтал ва аксириш, бурун оқиши ёки битиши, бош оғриши, мушакларда оғриқлар пайдо бўлиши касалликнинг дастлабки клиник белгилари ҳисобланади.



Ушбу касалликдан ўзимизни, фарзандларимизни, оила аъзоларимиз ва яқинларимизни ҳимоялаш кўп жиҳатдан ҳар биримизнинг қўлимизда. Зеро, маҳалла, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, оилада, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, умумий транспорт ва жамоат жойларини тоза сақлаш шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, покдомон ҳаёт кечиришга одатланиш орқали юқумли касалликлар, инсон ҳаёти учун хавфли бўлган ушбу хасталикдан ҳимояланишимиз мумкин. Буни ҳар бир фуқаро ёдда сақласа ва унга амал қилса, бошимизга ташвиш тушмайди, турмушимиз соғлом ва ширин бўлади.

Тоштемир ГАДОЙМУРОДОВ ёзиб олди.

ФУТБОЛ

ФИФА келаси йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатининг умумий соврин жамғармасини 420 миллион АҚШ доллари деб эълон қилди

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

4 декабрь оқшомида Жанубий Африка Республикасининг Кейптаун шаҳрида футбол бўйича 2010 йили бўладиган жаҳон чемпионати финал босқичи баҳсларига қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Унда дунёнинг энг кучли 32 та терма жамоаси тўрттадан саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсларга киришадиган бўлди.

«А» гуруҳи: ЖАР, Мексика, Уругвай, Франция.
«В» гуруҳи: Аргентина, Нигерия, Жанубий Корея, Греция.
«С» гуруҳи: Англия, АҚШ, Жазоир, Словения.
«D» гуруҳи: Германия, Австралия, Сербия, Гана.
«Е» гуруҳи: Голландия, Дания, Япония, Камерун.
«F» гуруҳи: Италия, Парагвай, Янги Зеландия, Словакия.
«G» гуруҳи: Бразилия, КХДР, Кот-д'Ивуар, Португалия.
«Н» гуруҳи: Испания, Швейцария, Гондурас, Чили.

Мусобақа низомига мувофиқ ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа нимчорак финал босқичига йўлланма олади. Кейин ўйинлар ютқазган чиқиб кетиш тартибида давом этади.



Шундай қилиб, терма жамоалар ўртасида бўлиб олинадиган пул миқдори 2006 йили Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатидагига нисбатан 60 фоизга ўсди, дея хабар бермоқда Associated Press. Германияда бўлиб ўтган мундиал баҳсларида умумий соврин жамғармаси 261 миллион долларга тенг эди.

Мазкур жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан терма жамоа 31 миллион долларни қўлга киритади. Финал учрашувида мағлубиятга учраган терма жамоа 25 миллион долларга эга бўлади. Энг паст ютуқ эса ўз гуруҳидан чиқа олмаган жамоаларники бўлиб, уларнинг ҳар бирига 9 миллион долардан берилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, ўйинчилари терма жамоа сафида жаҳон чемпионатида иштирок этаётган клублар ҳам қўшимча равишда 40 миллион долларни бўлиб олишади.

Бундан ташқари, ФИФА қуръа ташлаш маросими арафасида 2010 йили бўладиган жаҳон чемпионати расмий тўпларини ҳам намойиш қилди. Тўпга «Жабулани» деб ном берилган бўлиб, маҳаллий тилда «байрам қилиш» деган маънони билдиради.

Ҳа, ўтаётган ҳар бир кун «миллионлар ўйини» мухлисларини ЖАРда бўладиган катта футбол байрамига яқинлаштирмоқда. XIX жаҳон чемпионати 2010 йили 11 июнда бошланиб 11 июлга қадар давом этади. Мусобақанинг дастлабки кунида Жанубий Африка Республикаси — Мексика, Уругвай — Франция терма жамоалари ўзаро куч синашадилар.

«НАСАФ» ЎЗ МАЙДОНИДА ЎЙНАЙДИ

Осиё футбол конфедерацияси қарорига мувофиқ, Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати бронза медали совриндори Қаршининг «Насаф» жамоаси ОФК кубоги плей-офф босқичидан баҳсларга киришади.

Куни кеча Куала-Лумпурда бир учрашувдан иборат бўлган ушбу баҳснинг қаерда ўтишига ойдинлик киритилди. Қуръага кўра, «Насаф» — «Ар-Раййан» (Қатар) жамоалари ўртасидаги ўйинга 2010 йил 23 январда Қарши шаҳри мезбонлик қилади. Мусобақа низомига мувофиқ, ғолиб «Ал-Ваҳдат» (Иордания), «Ар-Риффа» (Баҳрайн) ҳамда «Ан-Наҳда» (Уммон) жамоалари билан «Е» гуруҳида кураш олиб боради.

Агар ФИФАнинг Ироқ футбол федерациясига нисбатан жорий этган дисквалификацияси 2010 йил 3 январигача ўз кучида қолдирилса, «Насаф» футболчилари плей-офф учрашувисиз тўғридан-тўғри ОФК кубогининг «С» гуруҳидаги «Арбил» (Ироқ) жамоаси ўрнини эгаллайди. Қатарнинг «Ар-Раййан» футболчилари эса «В» гуруҳида «Ан-Нажаф» (Ироқ) клуби ўрнида гуруҳ босқичидан курашга киришадилар.

Қитъамизнинг нуфузли мусобақаларидан саналган Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида келаси йили ҳам икки жамоамиз юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Жумладан, Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари «В» гуруҳида Эроннинг «Зоб Оҳан», Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» ва Осиё чемпионлар лигаси плей-офф баҳси ғолиби билан битта гуруҳдан жой олди. Ўзбекистон кубоги соҳиби — «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси эса «С» гуруҳида Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Айн», Эроннинг «Сепаҳон», Саудия Арабистонининг «Аш-Шабаб» клублари билан кейинги босқичга бериладиган икки йўлланма учун кураш олиб боради-ган бўлишди.

Эркин ХОЛБОБО

ЁЗУВЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактабда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик билан учрашув бўлиб ўтди.

Ижодий учрашувдаги қизиқарли савол-жавоблар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Бадиий ижод ҳақидаги тушунчаларини оширди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан улуғ аждодларимиз — Амир Темур, Алишер Навоий, Увайсий тимсоллари саҳна кўринишларида ажойиб тарзда талқин этилди. Тоҳир Малик қаламига мансуб «Иблис девори» асаридан ўқувчилар тайёрлаган саҳна кўриниши намойиш қилинди.

Адиб ўзи ўқиган ушбу билим даргоҳига бир қатор янги китобларини тақдим этди.

Ирода ИСОҚОВА

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1149
8230 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 01.45
1 2 3 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda